

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУНЧИЛИК
ТЎПЛАМИ

4-сон
(1180)
2025 йил
январь

Ўзбекистон Республикаси қонунчилик тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

24. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 20 январдаги ЎРҚ–1020-сон Қонуни
25. «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2025 йил 23 январдаги ЎРҚ–1021-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

26. «Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 22 январдаги ПҚ–20-сон қарори [Кўчирма]

27. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 23 январдаги ПҚ–21-сон қарори

Бешинчи бўлим

28. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-yanvardagi 222-son "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 66-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-7*)
29. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 14-yanvardagi 11-son "Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilar tarkibining o'quv yuklamasi hamda o'quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va "ustoz-shogird" ishlarini belgilash qoidalarining 7-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 20-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3076-2*)
30. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 25 декабрдаги 16-сон "Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3601*)
31. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 25 декабрдаги 729-сон "Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3602*)
32. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 5-dekabrdagi 37/6-son "Banklar va banklar guruhlarining tavakkalchiliklarni boshqarish tizimiga doir talablar to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori (*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil 21-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3427-1*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисидаги маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ****24****Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлари-
га қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
17 сентябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2024 йил 21 декабрда
маъқулланган

Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил 17 сентябрда қабул қилинган
Сенат томонидан 2024 йил 21 декабрда маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экс-
порти билан боғлиқ хизматларни кўрсатиш соҳасига хусусий секторни жалб
этиш, бу борада тадбиркорлик субъектлари учун қулай шарт-шароитлар яра-
тиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга карантин остидаги маҳсулотни Ўзбекистон Республика-
си ҳудудидан олиб чиқишда қўшимча қулайликлар яратиш, бу маҳсулотнинг
фумигацияси бўйича тартиб-таомилларни янада соддалаштириш, ушбу фао-
лиятни амалга оширишда хусусий сектор иштирокини кенгайтириш зарурия-
ти юзага келмоқда.

Мазкур Қонун билан «Ўсимликлар карантини тўғрисида»ги Ўзбекистон
Республикаси Қонунига юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасидан
олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фао-
лиятни лицензия асосида амалга ошириш ҳуқуқини беришни назарда тутув-
чи қўшимча ва ўзгартиришлар киритилмоқда.

«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари
тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунда Ўзбекистон Республи-
касидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси
бўйича фаолиятни лицензиялаш тартиби, шунингдек минерал ўғитларни ва
ўсимликларни химоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг
улгуржи ҳамда чакана савдоси ва Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқи-
ладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни ли-
цензиясиз амалга оширганлик учун жарималар миқдорлари белгиланмоқда.

«Давлат божи тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунда минерал
ўғитларнинг ва ўсимликларни химоя қилиш учун фойдаланиладиган кимё-
вий воситаларнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни ҳамда Ўз-
бекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулот-

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 январда эълон қилинган.

нинг фумигацияси бўйича фаолиятни лицензиялаганлик учун давлат божи микдорлари белгиланмоқда.

Ушбу Қонун карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятнинг юридик шахслар томонидан амалга оширилишига ҳамда бундай маҳсулотни экспорт қилувчилар учун қулай шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 31 августда қабул қилинган «**Ўсимликлар карантини тўғрисида**»ги 113–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 9 июлда қабул қилинган ЎРҚ–484-сонли Қонуни таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2018 йил, № 7, 429-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, № 4, 287-модда, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 1-модда; 2024 йил, № 1, 7-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **6-модда биринчи қисмининг бешинчи хатбоҳиси** «реэкспорт учун фитосанитария сертификатини бериш» деган сўзлардан кейин «Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни лицензиялаш» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) **11-модданинг биринчи қисми:**

қуйидаги мазмундаги **ўн биринчи хатбоҳи** билан тўлдирилсин:

«юридик шахсларга Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия беради»;

ўн биринчи — ўттинчи хатбоҳилари тегишинча **ўн иккинчи — ўттиз биринчи хатбоҳилар** деб ҳисоблансин;

3) **24-модданинг матни** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Карантин остидаги маҳсулот олиб кириладиганда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ташиладиганда транспорт воситаларидаги ва бўш омборлардаги фумигация ишлари зарарсизлантириш (фумигация) бўлимлари томонидан амалга оширилиб, уларнинг якунлари бўйича зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади.

Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси ушбу фаолиятни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган юридик шахслар томонидан амалга оширилиб, унинг якунлари бўйича зарарсизлантириш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади».

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 6 январда қабул қилинган «**Давлат божи тўғрисида**»ги ЎРҚ–600-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 1, 1-модда, № 3, 201-модда, № 5, 298-модда, № 10, 593-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 13-модда, 4-сонга илова, № 7, 661-модда, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 2, 76-модда, № 3, 214, 216-моддалар, № 4, 340-модда, № 5, 463, 464, 467-моддалар, № 12, 1186-мод-

да; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 186-модда, № 4, 265, 269-моддалар, № 6, 444, 445-моддалар, № 7, 538-модда; 2024 йил, № 1, 5, 6, 7-моддалар, № 2, 101, 105, 107, 108, 111, 112, № 7, 628-модда, № 8, 819, 823, 831-моддалар) **илова** қуйидаги мазмундаги **52-банд** билан тўлдирилсин:

«

52. Фаолиятнинг айрим турларини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги томонидан лицензиялаганлик учун тўланадиган давлат божи		
а) минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолият	— БҲМнинг 2 баравари	
б) Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолият	— БҲМнинг 3 баравари	

».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 14 июлда қабул қилинган **«Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида»**ги ЎРҚ–701-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2021 йил, № 7, 661-модда; 2022 йил, № 4, 340-модда, № 5, 465-модда; 2023 йил, № 2, 103-модда, № 3, 185-модда, № 7, 533-модда, № 9, 710-модда, № 11, 921, 923-моддалар; 2024 йил, № 1, 5, 7-моддалар, № 2, 105, 112-моддалар, № 7, 628-модда, № 8, 819-модда) қуйидаги қўшимча ва ўзгартиришлар киритилсин:

1) **16-модданинг:**

биринчи қисми қуйидаги мазмундаги **бешинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолият»;

бешинчи — тўққизинчи хатбошилари тегишинча **олтинчи — ўнинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин;

иккинчи қисмидаги «иккинчи — тўққизинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар «иккинчи — ўнинчи хатбошиларида назарда тутилган» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **1-илова** қуйидаги мазмундаги **60-позиция** билан тўлдирилсин:

«

60.	Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия	Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолият.	Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги
-----	---	--	--

»;

3) **4-илованинг I-бўлими** қуйидаги мазмундаги **53** ва **54-позициялар** билан тўлдирилсин:

«

53.	Минерал ўғитларни ва ўсимликларни ҳимоя қилиш учун фойдаланиладиган кимёвий воситаларнинг улгуржи ҳамда чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия	250
54.	Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия	250

».

4-модда. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўсимликлар карантини ва ҳимояси агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

5-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ушбу Қонун 1-моддасининг 1-бандида назарда тутилган Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигацияси бўйича фаолиятни лицензиялаш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ушбу Қонун 1-моддаси 3-бандининг учинчи хатбошисида назарда тутилган юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиладиган карантин остидаги маҳсулотнинг фумигациясини амалга ошириш тартибини ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ичида ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан олти ой ўтгач кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 20 январь,
ЎРҚ–1020-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ
ҚОНУНИ

25

Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*Қонунчилик палатаси томонидан 2024 йил
17 сентябрда қабул қилинганСенат томонидан 2024 йил 21 декабрда
маъқулланган

Кейинги йилларда мамлакатимизда қонунчиликни тизимлаштириш, тўғридан-тўғри амал қилувчи қонунлар улушини ошириш, қабул қилинаётган қонунларнинг ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ ислохотлари жараёнига таъсирини кучайтириш, қонунчиликдаги коррупциявий хавфларни аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек давлат мулкани хусусийлаштириш орқали хусусий мулкчиликни кенгайтириш бўйича изчил чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга айрим қонун ҳужжатларида уларни амалга оширишнинг муайян механизмлари мавжуд эмаслиги, шунингдек ижтимоий муносабатларнинг ривожланиши натижасида нормалар эскирганлиги уларни қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштиришни тақозо этмоқда. Бундан ташқари саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида жойлашган объектларга бўлган мулк ҳуқуқини таъминлаш орқали ушбу зоналар ҳудудига инвестицияларни жалб этиш учун шарт-шароитларни яхшилаш, инвестиция лойиҳаларини жадал амалга оширишни таъминлаш зарурати юзага келмоқда.

Ушбу Қонун билан «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги, «Автомобиль транспорти тўғрисида»ги, «Баҳолаш фаолияти тўғрисида»ги, «Автомобиль йўллари тўғрисида»ги, «Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»ги ва «Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларидаги ўз долзарблигини йўқотган, эскирган нормалар қайта кўриб чиқилмоқда, шунингдек баъзи нормаларни амалга ошириш механизмлари белгиланмоқда.

Бундан ташқари «Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига кичик саноат зоналари, ёшлар саноат зоналари ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилишини назарда тутувчи қўшимча киритилмоқда.

Ушбу Қонун қонун ҳужжатларидаги ортиқча маъмурий тартиб-таомиллар ва эскирган тартибга солиш механизмлари бартараф этилишига, улардаги нормаларнинг амалдаги қонунчиликка мувофиқлаштирилишига хизмат қилади.

* Ушбу Қонун «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 23 январда эълон қилинган.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «**Истеъмомчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида**»ги 221–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 59-модда; 2002 йил, № 4-5, 74-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 413-модда; 2006 йил, № 10, 536-модда; 2008 йил, № 4, 183-модда; 2010 йил, № 10, 380-модда; 2013 йил, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда, № 9, 510-модда; 2018 йил, № 1, 1-модда; 2019 йил, № 12, 891-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 1, 4-модда; 2023 йил, № 2, 106-модда; 2024 йил, № 2, 111-модда) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 1-модданинг:

учинчи хатбошисидаги «ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

тўртинчи хатбошисидаги «ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи хатбошисидаги «ёки якка тартибда фаолият кўрсатувчи тадбиркор» деган сўзлар «якка тартибдаги тадбиркор ёки ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 4-модда биринчи қисмининг учинчи, тўртинчи ва бешинчи хатбошилари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«товарни (ишни, хизматни) эркин танлаш ва унинг тегишли даражада сифатли бўлишини талаб қилиш;

товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хавфсиз бўлишини талаб қилиш;

ҳаёти, соғлиғи ва мол-мулки учун хавфли нуқсони бўлган товар (иш, хизмат), шунингдек ишлаб чиқарувчининг (ижрочининг, сотувчининг) ғайриқонуний ҳаракати (ҳаракатсизлиги) туфайли етказилган моддий зиён, маънавий зарарнинг ўрни тўлиқ ҳажмда қопланишини талаб қилиш»;

3) 6-модда иккинчи қисмининг олтинчи хатбошиси қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга ёки техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқ ишлаб чиқариш санаси кўрсатилиши керак бўлган товарнинг ишлаб чиқарилган санаси»;

4) 13-модданинг бешинчи қисми «ёки товар чекини» деган сўзлардан кейин «ёхуд сотиб олинганликни тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни (далилларни)» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) 24-модданинг:

бешинчи хатбошиси чиқариб ташлансин;

олтинчи хатбошиси бешинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

6) 26-модда биринчи қисмининг тўртинчи хатбошисидаги «судларда даъво қўзғатадилар» деган сўзлар «судларга даъво аризаси берадилар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **27-модданинг иккинчи қисми** «шунингдек якка тартибдаги тадбиркорлар» деган сўзлардан кейин «ўзини ўзи банд қилган шахслар» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1998 йил 29 августда қабул қилинган «**Автомобиль транспорти тўғрисида**»ги 674–I-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 йил, № 9, 174-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2015 йил, № 6, 228-модда; 2021 йил, 4-сонга илова) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) 11-модда:

номининг ўзбекча матнидаги «Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг» деган сўзлар **«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг» деган сўзлар **«Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «Давлат ҳокимияти маҳаллий органлари» деган сўзлар **«Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) 15-модда учинчи қисмининг ўзбекча матнидаги «давлат ҳокимияти маҳаллий органлари» деган сўзлар **«маҳаллий давлат ҳокимияти органлари»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3) 16-модда биринчи қисмининг ўзбекча матнидаги «давлат ҳокимияти маҳаллий органларининг» деган сўзлар **«маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин.

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августда қабул қилинган «**Баҳолаш фаолияти тўғрисида**»ги 811–I-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, № 9, 208-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда; 2009 йил, № 4, 135-модда; 2014 йил, № 5, 130-модда; 2015 йил, № 8, 312-модда; 2017 йил, № 6, 300-модда; 2021 йил, 4-сонга илова, № 10, 968-модда; 2022 йил, № 6, 577-модда; 2024 йил, № 8, 826-модда) **41-моддасининг учинчи қисмига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

тўртинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

бешинчи ва олтинчи хатбошилар тегишинча **тўртинчи ва бешинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 2 октябрда қабул қилинган «**Автомобиль йўллари тўғрисида**»ги ЎРҚ–117-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 10, 472-модда; 2014 йил, № 12, 343-модда; 2018 йил № 7,

431-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2023 йил, № 10, 795-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **4-модданинг матнидаги** «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **61-модданинг:**

номидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекциясининг» деган сўзлар **«Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекциясининг»** деган сўзлар билан алмаштирилсин;

биринчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

иккинчи қисмидаги «Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Йўл-қурилиш ишлари сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси» деган сўзлар «Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Транспорт назорати инспекцияси» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 17 февралда қабул қилинган **«Махсус иқтисодий зоналар тўғрисида»**ги ЎРҚ–604-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 2, 106-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда; 2023 йил, № 11, 923-модда; 2024 йил, № 2, 105-модда) **26-моддасининг иккинчи қисмига** қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

тўртинчи ва бешинчи хатбошилар тегишинча **учинчи ва тўртинчи хатбошилар** деб ҳисоблансин.

6-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 15 октябрда қабул қилинган **«Ногиронлиги бўлган шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида»**ги ЎРҚ–641-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2020 йил, № 10, 594-модда; 2021 йил, 4-сонга илова; 2022 йил, № 6, 570-модда) қуйидаги ўзгартиришлар киритилсин:

1) **31-модданинг тўртинчи қисми** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Агар шахс соғлигининг ҳолатига кўра тиббий-ижтимоий эксперт комиссиясига бориш имконига эга бўлмаса ва бу тиббиёт муассасасининг ҳулосаси билан тасдиқланса, тиббий-ижтимоий экспертиза шахснинг хоҳишига кўра унинг уйида ёки шахс даволанишда бўлган стационарда ўтказилади»;

2) **34-модда бешинчи қисмининг биринчи хатбошисидаги** «шунингдек уларга ортопедик протезлаш хизматлари кўрсатишдан» деган сўзлар «ёки уларга ортопедик протезлаш хизматлари кўрсатишдан ёхуд» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 14 февралда қабул қилинган «Давлат мулкани хусусийлаштириш тўғрисида»ги ЎРҚ–907-сонли Қонунининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2024 йил, № 2, 107-модда) **1-моддаси** қуйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Кичик саноат зоналари, ёшлар саноат ва тадбиркорлик зоналари ҳудудида жойлашган давлат кўчмас мулк объектларини хусусийлаштириш Ўзбекистон Республикасининг алоҳида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади».

8-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

9-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

10-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 январь,
ЎРҚ–1021-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**

467 **Электротехника саноатини ривожлантиришни янги босқичга олиб чиқишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида***

[Кўчирма]

Электротехника саноати соҳада яратилган шароитлар натижасида сўнгги етти йилда республиканинг йирик маҳаллий саноат тармоғига айланди, тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми қарийб 2 баробарга, экспорт ҳажми 7 баробарга ўсди ва географияси 63 та давлатга етди.

Электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишларини соҳага кенг жорий этиш мақсадида:

1. Электротехника саноатини 2025 — 2027 йилларда ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқишнинг асосий йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

тармоқда қўшилган қиймат улушини ўртача 21 фоиздан 30 фоизга ва ишлаб чиқариш ҳажмини 58 триллион сўмга етказиш;

қайта ишлаш жараёнларига илғор технологияларни жорий этиш, юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва диверсификация қилиш ҳисобига экспорт ҳажмини 3,0 миллиард АҚШ долларига етказиш;

юқори технологияларга асосланган электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш ҳамда инновацион ғояларни жорий этишни қўшимча рағбатлантириш орқали умумий қиймати 4,0 миллиард АҚШ доллари миқдоридаги инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш;

ишлаб чиқаришни автоматлаштириш, рақамли бошқарув тизимини жорий этиш орқали маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш.

2. Қуйидагилар:

Электротехника саноатини ривожлантиришнинг 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари 1-иловага** мувофиқ;

Электротехника саноатида янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури доирасида 2025 — 2027 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларини ишга туширишнинг йиғма параметрлари 2-иловага** мувофиқ;

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 январда эълон қилинган.

** 1-2-иловалар «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

Электротехника маҳсулотларини маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва уларнинг расмий диллерлари ҳамда дистрибьюторларидан харид қилишнинг 2025 — 2027 йилларга мўлжалланган мақсадли кўрсаткичлари 3-иловага* мувофиқ;

Электротехника саноати ва унга ёндош соҳаларни ривожлантириш, юқори технологияли ҳамда юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш бўйича «йўл харитаси» 4-иловага** мувофиқ тасдиқлансин.

Инвестицияларни жалб қилиш, саноатни ривожлантириш ва савдони тартибга солиш масалалари бўйича Ҳукумат комиссияси (кейинги ўринларда — Ҳукумат комиссияси) бир ой муддатда янги ишлаб чиқариш қувватларини яратиш ва ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш дастури доирасида лойиҳаларнинг манзилли рўйхатини тасдиқласин ва амалга ошириш чораларини кўрсин.

3. Белгилансинки, юқори қўшилган қийматли саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни рағбатлантириш учун қулай молиявий шароитлар яратиш мақсадида 2025 йил 1 февралдан қуйидаги қўллаб-қувватлаш чоралари жорий этилади:

а) божхона ҳудудида қайта ишлаш режимида тайёрланган маҳсулотларни кейинги ишлаб чиқарувчилар томонидан саноат кооперацияси тартибида қайта ишлаш учун божхона ҳудудида қайта ишлаш режимига жойлаштиришга рухсат берилади;

б) корхоналарнинг ривожланиш ва тадқиқот марказлари (R&D) фаолиятини йўлга қўйиш учун белгиланган тартибда шакллантирилаётган рўйхатлар бўйича ўз эҳтиёжлари учун олиб келинадиган, Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган лаборатория жиҳозлари ва анжомлари 2028 йил 1 февралга қадар божхона божидан озод этилади;

в) устав фондида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларнинг ва давлат органларининг маъмурий бино-иншоотларини, шунингдек ижтимоий соҳа объектларини қуриш бўйича харид қилиш ҳужжатларига қуйидаги талаблар киритилади:

пудратчилар зарур товарларни Ишлаб чиқарувчилар экотизими ва/ёки Электрон кооперация порталидаги (кейинги ўринларда — порталлар) маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан харид қилади;

зарур товарлар порталларда мавжуд бўлмаса, тасдиқловчи маълумотномалар асосида уларни бошқа электрон порталлардан харид қилишга рухсат этилади;

г) Ишлаб чиқарувчилар экотизимида савдолар давлат буюртмачилари ва ишлаб чиқарувчилар ўртасида электрон дўкон тартиб-таомиллари асосида, шартнома қиймати билан боғлиқ чекловларсиз ўтказилади, бунда оферталар маҳаллий ишлаб чиқарилган товар тўғрисидаги сертификат маълумотлари асосида шакллантирилади.

4. Белгилаб қўйилсинки, 5-иловага мувофиқ юқори технологияли ишлаб

* 3-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

** 4-илова берилмайд.

чиқаришни жорий этган электротехника саноати корхоналарига юқори технологияли ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга қабул қилинган санадан эътиборан уч йил муддатга қуйидаги солиқ имтиёзлари берилади:

юқори технологиялар асосида маҳсулотлар ишлаб чиқариш фаолиятдан олинадиган даромадлари қисмида фойда солиғининг ноль даражали ставкасини қўллаш;

юқори технологияли ишлаб чиқариш объеклари эгаллаган ер участкалари бўйича юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни тўлашдан озод этиш.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги Солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда мазкур бандда назарда тутилган имтиёزلарни қўллаш бўйича Солиқ кодексига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

5. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги ва Савдо-саноат палатасининг электротехника соҳасида инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун электротехника саноати корхоналари томонидан оммавий савдолар орқали сотиб олинадиган давлат ва давлат иштирокидаги корхоналарнинг кўчмас мулк объеклари бўйича тўловларини 10 йилгача муддатда бўлиб-бўлиб тўлаш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

6. Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг илғор технологиялар асосида янги маҳсулот турларини ишлаб чиқиш ҳамда соҳа учун муҳандис ва ўрта бўғин кадрларини тайёрлаш мақсадида «Eltech Lab» масъулияти чекланган жамияти таркибида Илғор инжиниринг марказини (таркибий бўлинма) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги икки ой муддатда ушбу марказни ташкил этиш, жиҳозлаш ҳамда фаолияти билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун «Eltech Lab» масъулияти чекланган жамиятига Илм-фанни молиялаштириш ва инновацияларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 10 миллиард сўм грант ажратсин.

7. Савдо-саноат палатаси ва «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси:

а) икки ой муддатда Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги билан биргаликда электротехника саноати корхоналари учун юқори малакали ўрта бўғин кадрлари ҳамда ишчи-мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Жиззах вилоятидаги 1-сон политехникуми ҳамда Тошкент вилоятидаги Оҳангарон шаҳар политехникуми ҳузурида инженерлик мактабларини ташкил этиб, соҳа корхоналаридан маҳаллий амалиётчи ҳамда илғор хорижий мутахассисларни жалб қилган ҳолда таълим дастурини амалга ошириш чораларини кўрсин.

Бунда:

инженерлик мактабларини жиҳозлаш, сақлаш ва бошқа харажатлар учун ушбу политехникумларга Давлат бюджетидан ҳар йили 5 миллиард сўмдан маблағ ажратилади;

инженерлик мактабларига соҳа корхоналаридан амалиётчи ҳамда илғор

хорижий мутахассисларни жалб қилиш харажатлари Савдога қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги зарур ҳолларда ушбу мақсадлар учун «Савдони ривожлантириш компанияси» АЖ (кейинги ўринларда — Компания) буюртмасига асосан Савдога қўмаклашиш жамғармасига қўшимча маблағлар ажратиш чораларини кўрсин;

б) уч ой муддатда маҳсулотлар таннархини пасайтириш, сифат даражасини ҳамда ички ва ташқи бозорлардаги рақобатбардошлигини ошириш мақсадида тармоқ корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнларини (MES, ERP, PLM ва бошқа дастурлар асосида) рақамлаштириш дастурини ишлаб чиқиб, амалга ошириш чораларини кўрсин.

Бунда мазкур харажатларнинг 50 фоизи, бироқ 10 минг АҚШ доллари-дан кўп бўлмаган қисми Савдога қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаб берилиши белгилансин.

8. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Марказий банк, Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) 2025 — 2027 йилларда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси таркибидаги корхоналарнинг маҳаллий капитал бозорида қисқа (1 йилгача) ва ўрта (5 йилгача) муддатли облигацияларини жойлаштириш ва халқаро капитал бозорларида 2 та тармоқ корхонасининг еврооблигацияларини чиқариш ҳисобига ресурс жалб қилиш. Бунда корхоналарнинг қимматли қоғозлари чиқарилишини ташкил қилиш учун тижорат банкларини молиявий консультант сифатида жалб этиш;

б) «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ орқали 150 миллион АҚШ доллари ҳамда бошқа тижорат банклари орқали 100 миллион АҚШ доллари миқдорида, хорижий валютада йиллик 8 фоиздан кўп бўлмаган ставкада кредит линияларини очиш;

в) Саноатни ривожлантириш жамғармасидан электротехника саноати корхоналари лойиҳаларини молиялаштириш ва айланма маблағларини тўлдириш учун маблағларни мақбуллаштириш ҳисобидан 2025-2026 йилларда тижорат банкларига уларнинг буюртмасига асосан 1,5 йил муддатга хорижий валютада йиллик 7 фоиз ставкада (шундан 2 фоизи банк маржаси), миллий валютада йиллик 18 фоиз ставкада (шундан 4 фоизи банк маржаси) 50 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағларни йўналтириш;

г) электротехника тармоғида юқори технологияли ишлаб чиқаришни назарда тутувчи инвестиция лойиҳаларига Ўзбекистон Республикасининг Тўғридан-тўғри инвестициялар жамғармаси маблағлари ҳисобидан 25 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ йўналтириш.

Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) икки ҳафта муддатда мазкур банднинг «б» кичик бандида назарда тутилган кредит линиялари тақсимотини тижорат банклари кесимида тасдиқласин.

9. Марказий банк икки ой муддатда хўжалик юритувчи субъектларнинг фаолияти билан боғлиқ хатарларни хеджирлаш мақсадида амалга оширилдиган операцияларни жорий валюта операциялари таркибига киритиш юзасидан қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришлар киритсин.

10. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Марказий банк тижорат банклари билан биргаликда уч ой муддатда электротехника маҳсулотлари экспортини янада жадаллаштириш учун Компания маблағлари ҳисобидан янги «Eltechexport» молиялаштириш линиясини жорий этсин.

Бунда «Eltechexport» молиялаштириш линияси доирасида:

тармоқ корхоналарига тижорат банклари орқали банк маржасини ҳисобга олган ҳолда хорижий валютада йиллик 6 фоиз, миллий валютада йиллик 14 фоиз ставкада кредитлар ажратилади;

кредит таъминоти сифатида амалга ошириладиган экспорт шартномаси ҳамда суғурта полиси қабул қилинади;

кредит бир корхона учун бир календарь йилда 10 миллион АҚШ доллари дан кўп бўлмаган миқдорда тақдим этилади.

Компания экспортни молиялаштириш йўналишидаги мазкур янги тартибни жорий этиш учун тижорат банклари талабномасига асосан ресурслар ажратиб борилишини таъминлансин.

11. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда «Ўзэлтехсаноат» уюшмасининг қуйидаги таклифлари маъқуллансин:

а) юридик шахсларга Оҳангарон тумани, Фарғона ва Урганч шаҳарлари даги технопаркларда ер участкасини электрон онлайн аукцион савдолари орқали ижарага олиб тайёр ҳолда бино-иншоотларни қуриш ва электротехника ҳамда унга ёндош бўлган тармоқ корхоналарига сотиш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш шarti билан сотиш ёхуд ижара шартларида тўғридан-тўғри реализация қилишга рухсат бериш.

Бунда бино-иншоотларни харид қилган ёки ижарага олган тадбиркорларга «Eltech Industrial» технопаркини бошқариш дирекцияси» давлат муассасаси билан тузиладиган инвестиция битими га мувофиқ «Eltech Industrial» технопарки иштирокчиси мақоми берилади;

б) ишлаб чиқаришни ташкил этиш мақсадида қурилган тайёр бино-иншоотларни харид қилиш учун тадбиркорларга ўрнатилган тартибда Саноатни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан 7 йил муддатгача, шундан 2 йилгача имтиёзли давр билан миллий валютада йиллик 10 фоиз ставкада кредит ажратиш;

в) электротехника тармоғи корхоналари ишлаб чиқарадиган саноат маҳсулотларини лизинг асосида сотиш. Бунда:

мазкур мақсадлар учун 2025 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги «Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–15-сон қарорига асосан электротехника саноати учун ажратилиши назарда тутилган маблағлар ҳисобидан 30 миллион АҚШ доллари йўналтирилади;

ушбу маблағлар тижорат банкларига уларнинг буюртмасига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг асосий ставкасида миллий валютада 5 йил муддатга ажратилади;

маҳаллий электротехника маҳсулотларини сотиш бўйича лизинг хизматларини кўрсатишда тижорат банкларининг маржаси йиллик 4 фоиздан ошмаган миқдорда ўрнатилади;

лизинг шартномалари доирасида тадбиркорлик субъектлари лизинг объектининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловларини ўз маблағлари ҳисобидан амалга ошириши белгиланади.

Ҳукумат комиссияси (Ж. Ходжаев) бир ой муддатда мазкур шартларда лизинг асосида бериладиган электротехника маҳсулотлари рўйхатини тасдиқласин.

12. Рақобатни ривожлантириш ва истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш қўмитаси ҳамда Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги чакана савдо шохобчаларида назорат хариди тадбирларини (тест, экспертизасини) амалга ошириш орқали электротехника маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатлар талабларига мувофиқлигини назорат қилиб борсин.

13. Ҳукумат комиссияси, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги электротехника тармоғи корхоналарига «Ўз-элтехсаноат» уюшмасининг буюртмаларига асосан республикада ишлаб чиқарилмайдиган хомашё ва материалларни марказлашган ҳолда етказиб бериш тизимини йўлга қўйиш бўйича молиялаштириш манбаларини аниқ белгилаб Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

14. Транспорт вазирлиги электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун зарур бўлган хомашё ва бутловчи қисмларни импорт қилишдаги транспорт харажатларини оптималлаштириш мақсадида ҳар молия йили аввалида 6-иловага* мувофиқ йирик халқаро логистика компанияларининг арзонлаштирилган нархларда логистика квоталари банд қилинишини таъминласин.

15. Савдо-саноат палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги, «Ўз-элтехсаноат» уюшмаси ҳамда манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда 2025 йил 1 сентябрга қадар энг яхши таклифларни танлаш йўли билан етакчи хорижий консалтинг компаниясини жалб қилган ҳолда 2035 йилга қадар Электротехника саноатини, шу жумладан, ускунасозликни, ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Иқтисодиёт ва молия вазирлиги хорижий консалтинг компаниясини жалб қилиш ва стратегияни ишлаб чиқиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш учун 2025 йилда Давлат бюджети ҳисобидан Савдога кўмаклашиш жамғармасига 15 миллиард сўмгача маблағ ажратилишини таъминласин.

16. Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги Марказий банк ҳамда «Ўз-элтехсаноат» уюшмаси билан биргаликда икки ой муддатда хорижий илғор ускунасозлик компаниялари билан музокаралар ўтказган ҳолда ҳудудларда ускунасозлик лойиҳаларини, шу жумладан, кооперация асосида амалга ошириш бўйича аниқ таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

17. Савдо-саноат палатаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда Қо-

* 6-илова «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

рақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда махсус электротехника, озиқ-овқат, тўқимачилик ва чарм маҳсулотлари учун дистрибуция-логистика марказларини ташкил қилиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича келишилган таклифни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

18. Божхона қўмитаси уч ой муддатда қайта ишлаш маҳсулотлари билан боғлиқ божхона операцияларини саноат кооперацияси тартибида бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан товарларни божхона ҳудудида қайта ишлаш божхона режимида жойлаштиришни назарда тутувчи тартиб ишлаб чиқиб тасдиқласин.

19. Қўйидагилар:

мазкур қарорнинг 2-бандида белгиланган мақсадли кўрсаткичлар ва топшириқларнинг бажарилишини таъминлашга Бош вазир ўринбосари Ж. Ходжаев, «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси раиси М. Юнусов, Савдо-саноат палатаси раиси Д. Вахабов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари ҳамда вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари бирдек масъул ва жавобгар ҳисобланади;

мазкур қарордаги молиявий қўллаб-қувватлаш чораларининг бажарилишини таъминлаш бўйича шахсий жавобгарлик иқтисодиёт ва молия вазири ўринбосари А. Хайдаров ҳамда Савдо-саноат палатаси раиси Д. Вахабов зиммасига юклатилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига 7-иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

21. Савдо-саноат палатаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда қонунчилик ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосарлари Ж.А. Қўчқоров ва Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Қарор ижросини ҳар чоракда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 22 январь,
ПҚ–20-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 22 январдаги
ПҚ–20-сон қарорига
5-ИЛОВА

**Электротехника саноатида юқори технологияли ишлаб
чиқаришга асосланган маҳсулотлар
РЎЙХАТИ**

1. Идентификация учун мўлжалланган микропроцессор модуллари.
2. Уяли ва бошқа симсиз алоқа тармоғи учун телефон, планшет ва уларнинг бутловчи қисмлари.
3. Компьютер, ноутбуклар ва уларнинг бутловчи қисмлари ҳамда автоматлаштирилган депозит машиналари.
4. Босиб чиқариш, сканерлаш, нусха кўчириш ва узатиш қурилмалари.
5. Электрон ахборот ташувчи воситалар.
6. Электроника йўналишидаги маҳсулотлар (яримўтказгич, микросхема, электрон чип, қуёш панеллари учун ячейка ва бошқалар).
7. Тиббиёт ускуналари (МРТ, рентген, портатив ташхис ускунаси ва бошқалар).
8. Робот ва робототехника ускуналари, учувчисиз учиш қурилмалари.
9. Мис хомашёсидан қўшилган қиймати юқори бўлган маҳсулотлар (мисдан фольга, эгилувчан плата, электромобиль зарядлаш ускуналари).
10. Технологик асбоб-ускуналар (ускунасозлик) ва уларнинг бутловчи ва эҳтиёт қисмлари.
11. Ускуналар учун қолиплар (пресс форма).
12. Электромобиллар, қуёш ва шамол электростанциялари учун батареялар ва инверторлар.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 22 январдаги
ПҚ–20-сон қарорига
7-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 июндаги «Ўзбекистон Республикасининг ташқи иқтисодий фаолиятини янада тартибга солиш ҳамда божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3818-сон қарорига 1-илова-нинг рус тилидаги матнида «3920» позициясидан кейин қуйидаги мазмундаги позициялар билан тўлдирилсин:

392049	плиты, листы, пленка и полосы или ленты, прочие, непористые и неармированные, неслойные, без подложки и не соединенные аналогичным способом с другими материалами, из полимеров винилхлорида, прочие (содержащие менее 6 мас. % пластификаторов)	3
3920108900	Прочие плиты, листы, пленка и полосы или ленты, толщиной более 0,125 мм	0
3920621901	Пленка из полиэтилентерефталата толщиной не более 0,35 мм	0

».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги «Маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–4812-сон қарорининг 4-банди қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«агар new.cooperation.uz порталида рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг электротехника маҳсулотлари нархи бошқа электрон порталларда рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг электротехника маҳсулотлари нархидан юқори бўлса, давлат буюртмачиларига бошқа электрон порталларда рўйхатдан ўтган маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан электротехника маҳсулотларини харид қилишга рухсат этилади»;

учинчи — ўн учинчи хатбошилар тегишинча тўртинчи — ўн тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 10 январдаги «Электротехника саноатининг ишлаб чиқариш ва экспорт салоҳиятини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ–15-сон қарорида:

- а) 1 ва 2-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;
- б) 18-бандда:

бешинчи хатбошидаги «2025 йил 1 мартга қадар» сўзлари «2025 йил 31 декабрга қадар» сўзлари билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги олтинчи ва еттинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар ҳисобидан синов лабораториясини жиҳозлаш учун харид қилинган товарлар ва асбоб-ускуналар «Ўз-элтехсаноат» уюшмаси томонидан «Eltech-Lab» МЧЖга бепул ўтказиб берилади.

Бунда «Ўзэлтехсаноат» уюшмаси томонидан топшириш-қабул қилиш да-лолатномасига мувофиқ товарлар ва асбоб-ускуналарни «Eltech-Lab» МЧЖга бепул бериш солиқ солиш объекти ҳисобланмайди»;

в) 1-илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ

27 Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарор-
ларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Қурулли Кучлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда ҳарбий хизматни (хизматни) ўташ билан боғлиқ муносабатларни тартибга солиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига иловага мувофиқ ҳарбий хизматни (хизматни) ўташ билан боғлиқ чекловлар ўрнатишни назарда тутувчи ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг маслаҳатчиси Д.Б. Кадиров зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2025 йил 23 январь,
ПҚ—21-сон

* Ушбу қарор «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 24 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2025 йил 23 январдаги
ПҚ–21-сон қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига
киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2013 йил 12 сентябрдаги ПҚ–2036-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси прокуратураси органлари ва муассасаларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда:

а) 7-банд чиқариб ташлансин;

б) 12-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«12. Прокуратура органлари ходимлари қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) прокуратура органларида бирга хизмат қилишга, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига олиб келса;

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёزلардан, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга;

чет давлат фуқаролигини ёки чет давлатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни олиш мақсадида мурожаат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар мустасно;

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажаришга, бундан фарзанд туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн маросимлари мустасно;

прокуратура органларининг биноларида ва ҳудудида диний расм-русум-

лар ва маросимларни ташкил этишга, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлашга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур Низомда белгиланган чекловларга риоя этмаганлик тегишли тартибда хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлади».

в) 79-банднинг «е» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«е) прокуратура ходимининг мазкур Низомнинг 12-бандида белгиланган чекловларга риоя этмаслиги».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29 ноябрдаги ПҚ–3413-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органларида хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низом қуйидаги мазмундаги 11¹-банд билан тўлдирилсин:

«11¹. Ички ишлар органлари хизматига кириш истагини билдирган фуқаро Ўзбекистон Республикасининг «Ички ишлар органлари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган ички ишлар органларида хизматни ўташ билан боғлиқ чекловлар билан ёзма шаклда таништирилади.

Мазкур чекловларга рози бўлган ҳамда вазирликнинг махсус талабларига жавоб берадиган номзодлар ички ишлар органлари хизматига қабул қилинадилар».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 апрелдаги ПҚ–3665-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомда:

а) 10-банд қуйидаги мазмундаги олтинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«божхона органларида хизматни ўташ билан боғлиқ қонун ҳужжатларида белгиланган чекловларга риоя этишни рад этган ёки махсус талабларга жавоб бермайдиган фуқаролар»;

б) қуйидаги мазмундаги 22¹-банд билан тўлдирилсин:

«22¹. Божхона органлари ходимлари қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) божхона органларида бирга хизмат қилишга, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига олиб келса;

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-ҳўжалик вазифаларини бажаришга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёزلардан, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга;

чет давлат фуқаролигини ёки чет давлатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни олиш мақсадида мурожаат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар мустасно;

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажаришга, бундан фарзанд туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн маросимлари мустасно;

божхона органларининг биноларида ва ҳудудиди диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этишга, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлашга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур низомда белгиланган чекловларга риоя этмаганлик тегишли тартибда хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлади».

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 12 сентябрдаги ПҚ–4447-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:

а) 2-банд қуйидаги мазмундаги ўнинчи ва ўн биринчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«махсус талаблар — ҳақиқий ҳарбий хизматга саралаш, танлаш ва қабул қилиш жараёнида номзоднинг фуқаролиги, маълумоти, мутахассислиги, ёши, бўйи, вазни, соғлиғи, жисмоний ва касбий тайёргарлиги ҳамда ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бошқа шартлар;

ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловлар — ҳарбий хизматчиларнинг амалга оширишга ҳақли бўлмаган ҳаракатлари»;

ўнинчи — ўн олтинчи хатбошилар тегишинча ўн иккинчи — ўн саккизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

б) 31-бандда:

қуйидаги мазмундаги еттинчи — саккизинчи хатбошилар билан тўлдирилсин:

«Контракт бўйича ҳарбий хизматга кириш истагини билдирган фуқаро Ўзбекистон Республикасининг «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги Қонунида ва ҳарбий хизмат шартларида назарда тутилган ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловлар ҳамда махсус талаблар билан ёзма шаклда таништирилади.

Мазкур чекловлар билан контракт тузишга рози бўлган ҳамда вазирликларнинг махсус талабларига жавоб берадиган номзодлар контракт бўйича ҳарбий хизматга қабул қилинадилар»;

еттинчи хатбоши тўққизинчи хатбоши деб ҳисоблансин;

в) 39-бандда:

биринчи хатбошидаги «берилиши мумкин» сўзлари «берилади» сўзи билан алмаштирилсин;

қуйидаги мазмундаги «к» кичик банд билан тўлдирилсин:

«к) ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этишни рад этганда ёки вазирликнинг махсус талабларига жавоб бермаса»;

г) 44-бандда:

биринчи хатбошидаги «берилиши мумкин» сўзлари «берилади» деган сўз билан алмаштирилсин;

«а» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«а) номзодга нисбатан жиноят иши қўзғатилган, терговга қадар текширув ўтказилаётган, дастлабки тергов ёки суриштирув олиб борилаётган, жиноят иши судда қўрилаётган бўлса, терговга қадар текширув ёки жиноят иши бўйича якуний қарор қабул қилингунга қадар»;

«б» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«б) қўлланган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугатилганидан ёки олиб ташланганидан ва ўзига нисбатан амнистия акти ёки афв этиш қўлланганидан қатъи назар содир этган жинояти учун илгари ҳукм қилинган бўлса»;

«г» кичик банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«г) ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этишни рад этганда ёки вазирликнинг махсус талабларига жавоб бермаса»;

д) 212-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«212. Ҳарбий хизматчилар қуйидагиларга ҳақли эмас:

ҳарбий қисмнинг мулки ва молиявий маблағлари, шунингдек, давлатнинг бошқа мулкани ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ бўлмаган мақсадларда ишлатиш;

ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ чиқишлар (омавий ахборот воситаларидаги чиқишлар бундан мустасно) ва нутқлар учун гонорар олиш;

жисмоний ва юридик шахслар ҳисобидан хорижий хизмат сафарларига бориш, халқаро шартномаларга мувофиқ ёки давлат ҳокимияти органларининг хорижий давлатларнинг тегишли давлат ҳокимияти органлари ёки халқаро ташкилотлар билан ўзаро келишувлари асосида амалга оширилаётган хизмат сафарлари бундан мустасно;

ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) айнан битта ҳарбий қисмда (айнан битта бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмаси) бирга хизмат қилишга, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунушига олиб келса;

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлардан, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга;

чет давлат фуқаролигини ёки чет давлатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни олиш мақсадида мурожаат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар мустасно;

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажаришга, бундан фарзанд туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн маросимлари мустасно;

ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий қисми, бошқарув органи, муассасасининг биноларида ва ҳудудиди диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этишга, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлашга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

Интернет жаҳон ахборот тармоғига ҳарбий хизматга оид маълумот ва материалларни, шунингдек, ҳарбий қисм, бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмасига мансублигини ошкор этувчи ахборотни (фото, видео, матн ва бошқалар) жойлаштиришга, матбуот хизматлари томонидан чоп этилган материаллар бундан мустасно.

Мазкур низомда белгиланган чекловларга риоя этмаганлик тегишли тартибда хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлади»;

е) 291-банд қуйидаги мазмундаги «м» кичик банд билан тўлдирилсин:

«м) ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этмаганда»;

ж) Низомга 1, 2, 3 ва 4-иловалар қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ
тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида
офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ҳарбий
хизматни ўташ тўғрисида
КОНТРАКТ**

Серия АА №000000

1. _____
фуқаронинг (ҳарбий хизматчининг) ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми

_____ билан
_____ вазиpликнинг (идоранинг) номи
_____ командиpи (бошлиғи)
_____ вазиpлик (идора) бўлинмасининг номи

_____ вакиллигида
_____ ваколатли мансабдор шахснинг ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми

_____ да ихтиёрий равишда
_____ вазиpликнинг (идоранинг) номи

_____ муддат давомида
_____ контракт муддати

ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида мазкур контрактни туздилар.

2. _____ ўзига
_____ ҳарбий хизматчининг фамилияси, исми ва отасининг исми

қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича ҳарбий бурчни бажаришга доимо тайёр туриш;

б) ушбу контрактда белгиланган муддат давомида контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ, Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучлари умумҳарбий низомлари, турли шaroитларда унга бўйсунувчи бўлинмаларни бошқариш бўйича йўриқнома ва кўрсатмалар талабларини мукаммал билиш ва сўзсиз бажариш, командир ва бошлиқларнинг буйруқларини ўз вақтида ва сифатли бажаришни таъминлаш;

в) бўйсунувчиларни кундалик хизмат фаолиятида ва жангда моҳирона бошқара билиш, қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўз вақтида ва оқилона қарор қабул қилиш, бўлинма ва шахсий таркибни бошқариш ва раҳбарлик қилишда бутун масъулиятни чуқур англаш ва ўз зиммасига олиш, бўйсунувчиларнинг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш бўйича барча зарурий чораларни кўриш;

г) бўлинмаларнинг юқори жанговар шайлиги ва сифатли жанговар

тайёргарлиги, юқори ҳарбий интизоми, ички тартибга риоя этиши, шунингдек, қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва мулкни сақлаш, уларни жанговар қўллаш учун доимий шайликда тутишни таъминлаш;

д) жанговар-хизмат вазифаларини муваффақиятли бажаришда ўзининг профессионал, лидерлик, ахлоқий-ишчанлик ва ташаббускорлик сифатларини қўллаш;

е) ўз билимларини такомиллаштириш ва касб маҳоратини оширишга доимо интилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган барча умумий, лавозим бўйича ва махсус мажбуриятларни виждонан бажариш;

ж) қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, ўз мансаб ёки ҳарбий хизмат (хизмат) мажбуриятларини беғараз, холисона, виждонан бажариш ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиш;

з) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёки коррупцияга қарши курашишга бошқача тарзда қўмаклашиш;

и) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этмаслик;

к) хизматни ўташ вақтида кун тартиби, хизмат (иш) вақти регламентида назарда тутилмаган бошқа ҳар қандай тадбирларни ўтказмаслик;

л) Интернет жаҳон ахборот тармоғига ҳарбий хизматга оид маълумот ва материалларни, шунингдек, ҳарбий қисм, бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмасига мансублигини ошкор этувчи ахборотни (фото, видео, матн ва бошқалар) жойлаштирмаслик, матбуот хизматлари томонидан чоп этилган материаллар бундан мустасно;

м) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик;

н) ўзига тегишли бўлмаган ва бошқариш ҳуқуқи берилмаган ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда авто ва мототранспорт воситаларини бошқармаслик;

о) хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажармаслик, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно;

п) ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий қисми, бошқарув органи, муассасасининг биноларида ва ҳудудида диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этмаслик, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақламаслик, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳарбий хизмат шартларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш;

б) шахсиятига нисбатан ҳурмат, командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар томонидан унга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлиш;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат ҳисобидан ўрнатилган меъёрларга кўра молиявий ва моддий томондан таъминланиш;

г) қонунчиликка мувофиқ нафақа билан таъминланиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш;

д) малакаси, қобилияти ва хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришини ҳисобга олган ҳолда ўз касбий малакасини ошириш ва хизмат поғонаси бўйича юқори лавозимга кўтарилиш;

е) соғлиғини сақлаш;

ж) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

з) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

и) қонунчиликда белгиланган бошқа кафолат ва компенсация тўловларини олиш.

3. _____ қонунчиликка

вазирликнинг (идоранинг) номи

мувофиқ ҳолда ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ушбу контрактни тузган ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларининг конституциявий ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлаш;

б) ҳарбий хизматчига ҳарбий хизматни ўташ, профессионал жиҳатдан шаклланиш ва хизмат поғонаси бўйича кўтарилишида зарур шароитлар яратиш;

в) ҳарбий хизматчининг суғурталанишини таъминлаш;

г) ҳарбий хизматчини белгиланган пул ва моддий таъминот билан таъминлаш;

д) ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида соғлиғига етказилган зарарни қоплаб беришни таъминлаш;

қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хизматни ўташ шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчини қонунчиликда белгиланган алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлардан чеклаш;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

в) ҳарбий хизматчи билан келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

г) ҳарбий хизматчини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар-хизмат вазифаларини бажаришга юбориш;

д) давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчини Ўзбекистон Республикасининг исталган ҳудудига ҳарбий хизматни ўташ учун юбориш.

4. Вазирлик, қўмита, идоранинг манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс мажбуриятлари:

а) ҳарбий хизматни ўташга келган номзодни ҳарбий хизматни ўташ шартлари билан таништириш;

б) номзодни ҳарбий хизматнинг зарарли ва хавфли шароитлари, касбий касалликка чалиниши мумкинлиги ҳамда ҳарбий хизматни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий чекловлар ҳақида огоҳлантириш.

5. Контракт шартларини бажармаган тақдирда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6. Мазкур контракт томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

7. Контракт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

8. Контракт икки нусхада тузилди ва қайд этилди: 1-нусха ҳарбий хизматчининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида сақланади, 2-нусха ҳарбий хизматчига топширилди.

9. Томонлар

_____	_____
ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми	ваколатли мансабдор шахснинг лавозими, имзоси,
	(М.Ў.)
_____	_____
сана	ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми
_____	_____
	сана

Мазкур контрактнинг кучга кирганлиги тўғрисидаги буйруқ _____

тегишли мансабдор шахснинг буйруғи санаси ва рақами
Мазкур контракт _____ сабабли

контрактни амалда бекор қилиш учун асос
_____ бекор қилинди.

контрактни бекор қилиш санаси

Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ
тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида оддий
аскарлар ва сержантлар таркибига мансуб лавозимларда
ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида
КОНТРАКТ**

Серия ВА №000000

1. _____
ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми

_____ туғилган куни, ойи ва йили

_____ билан
_____ вазириликнинг (идоранинг) номи

_____ командири (бошлиғи)
_____ вазирилик (идора) бўлинимасининг номи

_____ вакиллигида
_____ ваколатли мансабдор шахснинг ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми

_____ да ихтиёрий равишда
_____ вазириликнинг (идоранинг) номи

_____ муддат давомида
_____ контракт муддати

ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида мазкур контрактни туздилар

2. _____ ўзига
_____ ҳарбий хизматчининг фамилияси, исми ва отасининг исми

қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш бўйича ҳарбий бурчни бажаришга доимо тайёр туриш;

б) ўз хизмат мажбуриятларини бажариши учун зарур бўлган ҳарбий ва махсус билимларга эга бўлиш учун виждонан ёндашиш ва уларни мукамал билиш;

в) ушбу контрактда белгиланган муддатда контракт бўйича ҳарбий хизматни ўташ, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари умумҳарбий низомлари талабларини яхши билиш ва уларни сўзсиз бажариш;

г) ўз ҳарбий касбини босқичма-босқич ўрганиш, бўйсунувчиларни жангда ва кундалик хизмат фаолиятида бошқаришга ўрганиш, қўйилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун ўз вақтида ва асосли қарор қабул қилиш;

д) қурол-аслаҳа, ҳарбий техника ва мулкни сақлаш бўйича барча чора-тадбирларни кўриш, уларни жанговар қўллаш учун доимий шайликда тутиш;

е) ўз билимларини такомиллаштириш, касб маҳоратини ошириш, жанго-

вар ва маънавий-маърифий тайёргарликда юқори кўрсаткичларга эришишга мунтазам интилиш;

ж) Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган барча умумий, лавозими бўйича ва махсус мажбуриятларни сўзсиз бажариш;

з) қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, ўз мансаб ёки ҳарбий хизмат (хизмат) мажбуриятларини беғараз, холисона, виждонан бажариш ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиш;

и) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёки коррупцияга қарши курашишга кўмаклашиш;

к) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этмаслик;

л) хизматни ўташ вақтида кун тартиби, хизмат (иш) вақти регламентида назарда тутилмаган бошқа ҳар қандай тадбирларни ўтказмаслик;

м) Интернет жаҳон ахборот тармоғига ҳарбий хизматга оид маълумот ва материалларни, шунингдек, ҳарбий қисм, бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмасига мансублигини ошкор этувчи ахборотни (фото, видео, матн ва бошқалар) жойлаштирмаслик, матбуот хизматлари томонидан чоп этилган материаллар бундан мустасно;

н) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик;

о) ўзига тегишли бўлмаган ва бошқариш ҳуқуқи берилмаган ёки спирт-ли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда авто ва мототранспорт воситаларини бошқармаслик;

п) хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажармаслик, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно;

р) ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий қисми, бошқарув органи, муассасасининг биноларида ва ҳудудида диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этмаслик, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақламаслик, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳарбий хизмат шартларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш;

б) шахсиятига нисбатан ҳурмат, командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар томонидан унга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлиш;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда давлат ҳисобидан ўрнатилган меъёрларга кўра молиявий ва моддий томондан таъминланиш;

г) қонунчиликка мувофиқ нафақа билан таъминланиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш;

д) малакаси, қобилияти ва хизмат мажбуриятларини виждонан бажаришини ҳисобга олган ҳолда ўз касбий малакасини ошириш ва хизмат поғонаси бўйича юқори лавозимга кўтарилиш;

е) соғлиғини сақлаш;

ж) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

з) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

и) қонунчиликда белгиланган бошқа кафолат ва компенсация тўловларини олиш.

3. _____ қонунчиликка

вазирликнинг (идоранинг) номи

мувофиқ ҳолда ўзига қўйидаги мажбуриятларни олади:

а) ушбу контрактни тузган ҳарбий хизматчи ва унинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини таъминлаш;

б) ҳарбий хизматчига ҳарбий хизматни ўташи, яшаши ва маиший таъминоти учун зарур шароитларни яратиш;

в) ҳарбий хизматчининг суғурталанишини таъминлаш;

г) ҳарбий хизматчини белгиланган пул ва моддий таъминот билан таъминлаш;

д) ҳарбий хизматчининг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида соғлиғига етказилган зарарни қоплаб беришни таъминлаш;

қўйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хизматни ўташ шароитларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчини қонунчиликда белгиланган алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлардан чеклаш;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

в) ҳарбий хизмат мажбуриятлари билан боғлиқ ҳолда ҳарбий хизматчи билан келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

г) ҳарбий хизматчини Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар-хизмат вазифаларини бажаришга юбориш;

д) давлат манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ҳарбий хизматчини Ўзбекистон Республикасининг исталган ҳудудига ҳарбий хизматни ўташ учун юбориш.

4. Вазирлик, қўмита, идоранинг манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахс мажбуриятлари:

а) ҳарбий хизматни ўташга келган номзодни ҳарбий хизматни ўташ шартлари билан таништириш;

б) номзодни ҳарбий хизматнинг зарарли ва хавфли шароитлари, касбий касалликка чалиниши мумкинлиги ҳамда ҳарбий хизматни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий чекловлар ҳақида огоҳлантириш.

5. Контракт шартларини бажармаган тақдирда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.
6. Мазкур контракт томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.
7. Контракт Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.
8. Контракт икки нусхада тузилди ва қайд этилди: 1-нусха ҳарбий хизматчининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида сақланади, 2-нусха ҳарбий хизматчига топширилди.

9. Томонлар

ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми	ваколатли мансабдор шахснинг лавозими, имзоси,
(М.Ў.)	
сана	ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми
	сана

Мазкур контрактнинг кучга кирганлиги тўғрисидаги буйруқ _____

тегишли мансабдор шахснинг буйруғи санаси ва рақами
Мазкур контракт _____ сабабли
контрактни амалда бекор қилиш учун асос
_____ бекор қилинди.
контрактни бекор қилиш санаси

Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ
тартиби тўғрисидаги низомга
3-ИЛОВА

**Олий ҳарбий таълим муассасасида курсант сифатида
ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида
КОНТРАКТ**

Серия DA №000000

1. _____
курсантнинг ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми _____ туғилган
_____ кун, ой ва йили
Ўзбекистон Республикаси билан (кейинги ўринларда — Давлат) _____ бошлиғи
_____ олий ҳарбий таълим муассасасининг номи
_____ вакиллигида
олий ҳарбий таълим муассасаси бошлиғининг ҳарбий унвони, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари, фамилияси
_____ да ихтиёрий равишда
_____ олий ҳарбий таълим муассасаси
_____ муддат давомида
_____ контракт муддати

ўқиш муддати давомида курсант сифатида ҳарбий хизматни ўташ тўғрисида
мазкур контрактни туздилар.

2. _____ ўзига
_____ курсантнинг исм ва отасининг исмининг бош ҳарфлари, фамилияси,

- қуйидаги мажбуриятларни олади:
- а) Ўзбекистон Республикасининг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигининг ҳимоячиси — кейинчалик офицер сифатида хизматни давом эттиришда ҳарбий ва махсус зарурий билим ҳамда малакаларга эга бўлиш учун виждонан ёндашиш ва уларни мукаммал ўзлаштириш;
 - б) ушбу контрактда белгиланган ўқиш муддати давомида курсант сифатида ҳарбий хизматни ўташ. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилиги ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари ҳамда олий ҳарбий таълим муассаса бўйсунадиган вазирлик ёки идора раҳбарининг буйруқларида белгиланган барча умумий, лавозими бўйича ва махсус мажбуриятларни виждонан бажариш;
 - в) ўқиш муддати тугагач, у юборилиши лозим бўлган вазирлик ёки идора билан офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ҳарбий хизматни ўташ учун беш йил муддатга контракт тузиш;
 - г) қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, ўз мансаб ёки ҳарбий хизмат (хизмат) мажбуриятларини беғараз, холисона, виждонан бажариш ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиш;

д) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёки коррупцияга қарши курашишга қўмаклашиш;

е) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этмаслик;

ж) хизматни ўташ вақтида кун тартиби, хизмат (иш) вақти регламентида назарда тутилмаган бошқа ҳар қандай тадбирларни ўтказмаслик;

з) Интернет жаҳон ахборот тармоғига ҳарбий хизматга оид маълумот ва материалларни, шунингдек, ҳарбий қисм, бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмасига мансублигини ошкор этувчи ахборотни (фото, видео, матн ва бошқалар) жойлаштирмаслик, матбуот хизматлари томонидан чоп этилган материаллар бундан мустасно;

и) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик;

к) ўзига тегишли бўлмаган ва бошқариш ҳуқуқи берилмаган ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда авто ва мототранспорт воситаларини бошқармаслик;

л) хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажармаслик, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно;

м) ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий қисми, бошқарув органи, муассасасининг биноларида ва ҳудудида диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этмаслик, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақламаслик, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) ҳарбий хизмат шартларида белгиланган чекловларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида кўрсатилган ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш;

б) шахсиятига нисбатан ҳурмат, командирлар (бошлиқлар) ва бошқа мансабдор шахслар томонидан унга нисбатан ҳаққоний муносабатда бўлиш;

в) қонунчиликда белгиланган тартибда, давлат ҳисобидан ўрнатилган меъёрларга кўра молиявий ва моддий томондан таъминланиш;

г) қонунчиликка мувофиқ нафақа билан таъминланиш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимояланиш;

д) Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган стандартлар талабларига мувофиқ таълим олиш;

е) ҳаётини ва соғлиғини сақлаш;

ж) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

з) техник хавфсизлик ва гигиена талабларига жавоб берувчи хизмат шaroитларига эга бўлиш;

и) давлат томонидан суғурталаниш;

к) ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш билан боғлиқ ҳолда келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

л) қонунчиликда белгиланган бошқа кафолат ва компенсация тўловларини олиш.

3. Давлат қонунчиликка мувофиқ ҳолда ўзига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ушбу контрактни тузган курсант ва унинг оила аъзоларининг ҳуқуқларини таъминлаш;

б) курсантнинг замонавий стандартлар талабларига жавоб берувчи ҳарбий ва махсус таълим олишини таъминлаш;

в) курсантнинг ўқиши ва яшаши учун зарур шароитлар яратиш;

г) курсантнинг суғурталанишини таъминлаш;

д) курсантни белгиланган пул ва моддий таъминот билан таъминлаш;

е) курсантнинг ҳарбий хизмат мажбуриятларини бажариш вақтида соғлиғига етказилган зарарни қоплаб беришни таъминлаш;

ж) курсантнинг олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш муддати тугагач, офицерлар таркибига мансуб лавозимларда ҳарбий хизматни ўташ имкониятини яратиш;

қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) хизматни ўташ шароитларидан келиб чиққан ҳолда курсантни қонунчиликда белгиланган алоҳида ҳуқуқ ва эркинликлардан чеклаш;

б) Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда белгиланган тартиб ва шартларга мувофиқ контракт тузиш ва уни бекор қилиш;

в) курсант билан келиб чиққан низоларни томонларнинг келишуви ёки суд орқали ҳал қилиш;

г) курсантни Ўзбекистон Республикасининг мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳимоя қилиш бўйича жанговар-хизмат вазифаларини бажаришга юбориш;

д) олий ҳарбий таълим муассасасида ўқиш муддати тугагач, курсантни Қурулли Кучлар манфаатларидан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистон Республикасининг исталган ҳудудига офицер сифатида ҳарбий хизматни ўташ учун юбориш.

4. Давлат манфаатларини ҳимоя қилувчи мансабдор шахснинг мажбуриятлари:

а) олий ҳарбий таълим муассасасига ўқишга кирувчи номзодни ўқиш ва кейинчалик ҳарбий хизматни ўташ шартлари билан таништириш;

б) номзодни ҳарбий хизматнинг зарарли ва хавfli шароитлари, касбий касалликка чалиниши мумкинлиги ҳамда ҳарбий хизматни бажариш билан боғлиқ ҳуқуқий чекловлар ҳақида огоҳлантириш.

5. Контракт шартларини бажармаган тақдирда томонлар Ўзбекистон Республикаси қонунчилигида белгиланган тартибда жавобгарликни ўз зиммасига олади.

6. Ушбу контракт томонлар имзолаган кундан бошлаб кучга киради.

7. Контракт қонунчиликда белгиланган тартибда бекор қилиниши мумкин.

8. Контракт икки нусхада тузилди ва қайд этилди: 1-нусха ҳарбий хизматчининг шахсий ҳужжатлари йиғмажилдида сақланади, 2-нусха ҳарбий хизматчига топширилди.

9. Томонлар

ҳарбий хизматчининг ҳарбий унвони, имзоси, фамилияси, исми, отасининг исми	ваколатли мансабдор шахснинг лавозими, имзоси,
(М.Ў.)	
сана	ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми
	сана

Мазкур контрактнинг кучга кирганлиги тўғрисидаги буйруқ _____

тегишли мансабдор шахснинг буйруғи санаси ва рақами
Мазкур контракт _____ сабабли
контрактни амалда бекор қилиш учун асос
_____ бекор қилинди.
контрактни бекор қилиш санаси

Ўзбекистон Республикаси
фуқароларининг ҳарбий хизматни ўташ
тартиби тўғрисидаги низомга
4-ИЛОВА

**Узоқ муддатли курслар ва дастурлар доирасида ҳарбий
хизматчиларни хорижда тайёрлаш тўғрисида
МАҲСУС КОНТРАКТ**

Серия SA №000000

Ушбу контракт кейинги ўринларда «вазирлик» деб номланувчи бир томондан, _____

билан

ҳарбий хизмат кўзда тутилган вазирликнинг, идоранинг номи

_____ вакиллигида

эгаллаб турган лавозими, ҳарбий унвони, фамилияси, исми, отасининг исми

ва иккинчи томондан, кейинги ўринларда «таҳсил олувчи» деб номланувчи ҳарбий хизматчи _____

контракт бўйича ҳарбий хизматчининг фамилияси, исми, отасининг исми,

_____ шахсий гувоҳномаси (паспорти ёки идентификацияловчи ID картаси) рақами, қачон ва ким томонидан берилган

билан қуйидагилар тўғрисида тузилди:

1. Контрактнинг предмети

1.1. Ушбу контрактга мувофиқ вазирлик таҳсил олувчини олдиндан келишиб олинган муддат ва ихтисослик бўйича _____

га

ҳарбий хизматчи ўқишга юборилаётган ўқув муассаса ва давлатнинг номи

ўқишга юборилишини ташкиллаштириш, ўқиш тугаганидан сўнг таҳсил олувчига Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ ўрна-тилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида ихтисослиги бўйича ҳарбий хизматни ўташ имкониятини бериш мажбуриятини олади.

1.2. Таҳсил олувчи ўзига таълим олиш, тадбир ташкилотчилари томонидан кўзда тутилган ўқув дастурини самарали ўзлаштириш, ҳарбий-ҳисоб ихтисосликлар бўйича зарур назарий ва амалий кўникма ва билимларни олиш, шунингдек, ўқиш муддати тугагач, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида камида беш йил ҳарбий хизматни ўташ, тўрт ва ундан ортиқ календарь йили давомида таянч маълумотини олган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида камида ўн йил ҳарбий хизматни ўташ мажбуриятини олади.

2. Томонларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари

2.1. Таҳсил олувчи қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) давоми ва муддатлари таълим муассасасининг дастури билан белгиланган каникулялар таътиллари;

б) вазирлик раҳбарияти билан келишилган ҳолда таҳсил олаётган давлат ҳудудида ўз ҳисобидан таътилни ўтказиш;

в) таълим муассасасида ўрнатилган меъёрларга мувофиқ тураржой хоналаридан (ётоқхоналаридан) фойдаланиш;

г) таълим олиш даврида ушбу давлатнинг ҳарбий хизматчилари тегишли тоифаси учун белгиланган меъёрлар бўйича овқатланиш;

д) таълим муассасасининг тиббий бўлимида бепул тиббий ва амбулатор даволаниш.

2.2. Таҳсил олувчининг мажбуриятлари:

а) таълим дастурини тўлиқ ўзлаштириш, ўрганилаётган ихтисослик бўйича дастур билан кўзда тутилган кўникма ва билимларни эгаллаш;

б) хорижий давлатнинг ҳудудида таҳсил олиш вақтида қонунларга амал қилиш, ушбу мамлакат халқларининг анъаналарини ҳурмат қилиш, кўрсатилган давлатда чет эл фуқароларининг яшаш ва ҳаракатланиш қоидаларига риоя этиш, ҳарбий интизом ва таълим муассасасида ўрнатилган ички кун тартибининг талабларига амал қилиш;

в) вазирлик томонидан тайинланган миллий гуруҳ сардорининг қонунчилиikka зид бўлмаган талабларини сўзсиз бажариш;

г) белгиланган тартибда ва тасдиқланган муддатларда қўшинлардаги амалиётни ўташ;

д) ўқиш бошланишига қадар ва таътиллardan таълим муассасасига кечикмасдан етиб келиш;

е) ўқиш бошланишига қадар таълим муассасасига етиб келганда ўзи билан паспорт ёки идентификацияловчи ID карта ҳамда тегишли шартномалар ва контрактларда кўрсатилган бошқа ҳужжатларни олиб келиш;

ж) унга ўқиш жараёнида ишониб топширилган вазирлик ва таълим муассасасининг мулки, шунингдек, бошқа мулкка нисбатан эҳтиёткорона муносабатда бўлиш ва бут сақланишини таъминлаш;

з) ўқиш тугагач, Ўзбекистонга келган куни хизматни давом эттириш учун вазирликка етиб келиш;

и) қонунчилик ҳужжатларига риоя этиш, ўз мансаб ёки ҳарбий хизмат (хизмат) мажбуриятларини беғараз, ҳолисона, виждонан бажариш ҳамда коррупцияга оид бирор-бир ҳуқуқбузарликни содир этишдан ёки бундай ҳуқуқбузарликларни содир этиш учун шарт-шароитлар яратадиган бошқа ҳар қандай ҳаракатлардан ўзини тийиш;

к) коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар бериш ёки коррупцияга қарши курашишга қўмаклашиш;

л) қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этмаслик;

м) хизматни ўташ вақтида кун тартиби, хизмат (иш) вақти регламентида назарда тутилмаган бошқа ҳар қандай тадбирларни ўтказмаслик;

н) Интернет жаҳон ахборот тармоғига ҳарбий хизматга оид маълумот ва

материалларни, шунингдек, ҳарбий қисм, бошқарув органи, ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий тузилмасига мансублигини ошкор этувчи ахборотни (фото, видео, матн ва бошқалар) жойлаштирмаслик, матбуот хизматлари томонидан чоп этилган материаллар бундан мустасно;

о) гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни истеъмол қилмаслик;

п) ўзига тегишли бўлмаган ва бошқариш ҳуқуқи берилмаган ёки спиртли ичимликларни истеъмол қилган ҳолда авто ва мототранспорт воситаларини бошқармаслик;

р) хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажармаслик, қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган алоҳида ҳоллар бундан мустасно;

с) ҳарбий хизмат назарда тутилган вазирлик ёки идоранинг ҳарбий қисми, бошқарув органи, муассасасининг биноларида ва ҳудудида диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этмаслик, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақламаслик, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

2.3. Вазирлик ўз зиммасига қуйидаги мажбуриятларни олади:

а) ҳарбий хизматчи хорижга ўқишга юборилган бутун давр учун ўқитиш қийматини тўлаш билан боғлиқ бўлган масалаларни ҳал этиш;

б) таҳсил олувчининг қўшинлардаги амалиётини (ишлаб чиқариш амалиётини) таъминлаш;

в) зарурият туғилганда таълим муассасаларига тегишли бўлмаган ҳарбий-тиббий муассасаларда таҳсил олувчининг даволанишини тўлаш.

2.4. Вазирлик қуйидаги ҳуқуқларга эга:

а) таҳсил олувчи ўқишининг бориши, ўзлаштириши ва ҳарбий интизоми ҳолатини назорат қилиш;

б) тегишли шартномалар ва контрактларда кўрсатилган ўқитиш шартларига кўра таҳсил олувчидан Ўзбекистон Республикаси Қуrolли Кучларида ёки ўқиш жойи бўйича қўшинлардаги амалиётни ўташни талаб қилиш;

в) таҳсил олувчини таълим муассасасидан вақтинча чақириб олиш;

г) таҳсил олувчидан баҳолаш ведомостлари ва синов сессияларини топшириш натижаларини тақдим этишни талаб қилиш.

3. Ўқишни муддатидан олдин тугатиш шартлари

3.1. Таҳсил олувчининг таълим олиши қуйидаги ҳолатларда муддатидан олдин тугатилиши мумкин:

а) таҳсил олувчининг ўзлаштирмаслиги;

б) таҳсил олувчида мазкур контрактнинг 2.2-банди «е» кичик бандида кўрсатилган ҳужжатларнинг йўқлигида;

в) ўқишнинг бошланишига 7 кундан ортиқ кечикиб келиш;

г) ўқиш вақтида таҳсил олувчи соғлиғининг ёмонлашиши, натижада соғлиғининг ҳолатига кўра келгусида ихтисослиги бўйича хизматни ўташга (ўқишга) яроқсиз деб топилса ёки таҳсил олувчининг касаллиги оқибатида, агар касаллик муддати 2 ойдан ортиқ бўлса;

д) таҳсил олувчи мазкур контрактнинг 2.2-банди «б» кичик бандида баён этилган талабларни бажармаганида.

3.2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг тегишли қарорлари қабул қилинган ҳолатда таҳсил олувчининг таълим олиши муддатидан олдин тугатилиши мумкин.

4. Контракт шартларини бузиш юзасидан жавобгарлик

4.1. Мазкур контрактнинг 3.1-банди «а», «б», «в», «д» кичик бандларида кўзда тутилган асослар бўйича, шунингдек, таҳсил олувчи соғлигининг ёмонлашиши ёки касаллиги унинг айби билан олинган жароҳатланиш ёхуд ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлашга йўналтирилган бошқа ҳаракатлар натижасида келиб чиққан, оилавий шароитига кўра таълим олиш муддатидан олдин тугатилган ҳолларда таҳсил олувчи томонидан вазирликка унинг таълими учун сарфланган ҳақиқий харажатлар суммаси, шу жумладан, транспорт ва бошқа харажатлар уч баробар миқдорида қопланади. Бунда халқаро ҳарбий ҳамкорлик дастурлари доирасида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ҳарбий хизматчилари хорижий ҳамкор давлат томонидан бепул ёки имтиёзли асосда ўқитилса (тайёрланса), у ҳолда мазкур хорижий давлат томонидан ўқитиш учун сарфланган барча харажатлар Ўзбекистон Республикасининг харажатлари ҳисобланиб, таълим олувчидан тегишли вазирликлар таркибидаги таълим муассасаси томонидан ўқитиш учун сарфланган харажатлар суммасига тенг пул маблағларининг уч баробар миқдори ундирилади.

4.2. Агар ўқиш тугагандан сўнг ҳарбий хизматчи Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида беш йиллик, тўрт ва ундан ортиқ календарь йил давомида таянч маълумотни олган тақдирда эса — ўн йиллик муддат якунигача хизматни тугатса, таҳсил олувчи вазирликка унинг таълими учун сарфланган харажатларни уч баробар миқдорида қоплайди, соғлигининг ёмонлашгани сабабли (агар касаллиги унинг айбисиз олинган жароҳатланиш ёхуд ҳарбий хизмат вазифаларини бажаришдан бўйин товлашга йўналтирилган бошқа ҳаракатлар бўйича келиб чиқмаган бўлса); штатларнинг қисқартирилиши муносабати билан (келгуси ҳарбий хизматда ундан фойдаланиш имкони бўлмаса); давлат сири бўлган маълумотлар билан ишлаш учун рухсатномани бериш рад этилганда ёки ушбу рухсатномадан маҳрум қилинганда хизматдан бўшатиш ҳолатлари бундан мустасно.

Қоплаш суммаси ўқиш ёки тайёргарлик муддати тугагандан сўнг хизмат вақтини ҳисобга олган ҳолда мажбурий хизмат вақтининг қолган вақтига мутаносиб равишда ҳисоблаб аниқланади.

Агар таълим олувчи хорижий ҳамкор давлат томонидан бепул ёки имтиёзли асосда ўқитилса (тайёрланса), у ҳолда мазкур хорижий давлат томонидан ўқитиш учун сарфланган барча харажатлар Ўзбекистон Республикасининг харажатлари ҳисобланиб, таълим олувчидан Ўзбекистон Республикасининг тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган тартибда пул маблағлари ундирилади.

5. Қўшимча шартлар

- 5.1. Мазкур контракт томонлар уни имзолаган вақтдан кучга киради ва улар ўз мажбуриятларини тўла ижро этишига қадар амал қилади.
- 5.2. Мазкур контрактни муддатидан олдин бекор қилиш 4.1 ва 4.2-бандлари билан белгиланган оқибатларга олиб келади.

6. Томонларнинг манзиллари ва реквизитлари

Вазирлик учун	Таҳсил олувчи
эгаллаб турган лавозими,	ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари
ҳарбий унвони, фамилияси, исми ва отасининг исмининг бош ҳарфлари	имзо ва сана
имзо ва сана	(М.Ў.)»

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 22 апрелдаги ПҚ–5089-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ходимларининг хизматни ўташ тартиби тўғрисидаги низомда:
- а) қуйидаги мазмундаги 9 ва 9¹-бандлари билан тўлдирилсин:
- «9. Қуйидаги фуқаролар Миллий гвардия ходими лавозимига қабул қилиниши мумкин эмас:
- а) белгиланган тартибда муомалага лаёқатсиз ёки муомала лаёқати чекланган деб топилган;
 - б) хизматни ўташга тўсқинлик қиладиган касаллиги ёки жисмоний нуқсонлари бўлган;
 - в) бошқа давлат органларидан салбий сабабларга кўра бўшатишган фуқаролар;
 - г) содир этган жинояти учун қўлланган жазо туридан, судланганлик ҳолати тугалланганидан ёки олиб ташланганидан ёхуд амнистия акти ёки афв этиш қўлланганидан қатъи назар муқаддам судланган;
 - д) хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловларга риоя этишни рад қилган ёки Миллий гвардиянинг махсус талабларига жавоб бермаган.
- Миллий гвардия бўлинмаларига махсус унвонли лавозимларга хизматга кириш истагини билдирган фуқаро Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида»ги Қонунида белгиланган Миллий гвардия органларида хизматни ўташ билан боғлиқ бўлган чекловлар ҳамда Миллий гвардиянинг махсус талаблари билан ёзма шаклда таништирилади, бунда номзод чекловларга риоя этишни рад этганда ёки махсус талабларга жавоб бермаганда, уни хизматга қабул қилиш рад этилади.
- 9¹. Миллий гвардия ходимлари қуйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки куда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) Миллий гвардия органларида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунишига олиб келса;

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга;

ўз хизмат ваколатларини жисмоний ва юридик шахсларнинг манфаатларини кўзлаб бажариш ёки бажармаслик эвазига улардан бирон-бир мукофот, фойда ёки совғалар олишга;

қонунчиликда назарда тутилмаган имтиёзлардан, преференциялар ёки афзалликлардан ўз хизмат мавқеи билан боғлиқ ҳолда фойдаланишга;

қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга;

чет давлат фуқаролигини ёки чет давлатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни олиш мақсадида мурожаат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар мустасно;

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажаришга, бундан фарзанд туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн маросимлари мустасно;

Миллий гвардия органларининг биноларида ва ҳудудиди диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этишга, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлашга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно»;

б) 135-банднинг «п» кичик банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«п) ходимлар учун қонун ҳужжатларида белгиланган чекловлар ва Миллий гвардиянинг махсус талабларига риоя этмаганлиги».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги ПҚ–10-сон қарори билан тасдиқланган Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодексида:

а) 12-банд чиқариб ташлансин;

б) қўйидаги мазмундаги 19¹-банд билан тўлдирилсин:

«19¹. Ички ишлар органлари ходимлари қўйидагиларга ҳақли эмас:

ўзаро яқин қариндошликда ёки қуда томондан қариндош бўлган шахслар билан (ота-оналар, ака-укалар, опа-сингиллар, ўғиллар, қизлар, эр-хотинлар, шунингдек, эр-хотинларнинг ота-оналари, ака-укалари, опа-сингиллари ва фарзандлари) ички ишлар органларида бирга хизмат қилиши, агар уларнинг бирга хизмат қилиши улардан бирининг иккинчисига бевосита бўйсунishiга олиб келса;

илмий, ижодий ва педагогик фаолиятдан ташқари ҳақ тўланадиган бошқа фаолият билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишга;

тадбиркорлик фаолияти субъектларини ташкил этишга, уларнинг муассиси (иштирокчиси) бўлишга, тадбиркорлик фаолияти субъектида ташкилий-бошқарув, маъмурий-хўжалик вазифаларини бажаришга;

кимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларда, шу жумладан, ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда иштирок этишга;

чет давлат фуқаролигини ёки чет давлатда доимий яшаш ҳуқуқини берувчи ҳужжатни олиш мақсадида мурожаат қилишга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида ҳисобварақлар очишга ва уларга эга бўлишга, кўчмас мулкка ва бошқа мол-мулкка эгалик қилишга, бундан чет давлатда таълим олиш, стажировка ўташ ва тиббий хизматлардан фойдаланиш мақсадида очилган ҳисобварақлар мустасно;

ўзининг ваколатларини сиёсий партияларнинг, бошқа жамоат бирлашмаларининг ва улар органларининг манфаатларини кўзлаб амалга оширишга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно;

хизматни ўташ вақтида диний расм-русумлар ва маросимларни бажаришга, бундан фарзанд туғилиши, никоҳ, тўй ва дафн маросимлари мустасно;

ички ишлар органларининг биноларида ва ҳудудда диний расм-русумлар ва маросимларни ташкил этишга, диний мазмундаги материаллар ва буюмларни сақлашга, хизмат мажбуриятларини амалга ошириш билан боғлиқ ҳоллар бундан мустасно.

Мазкур кодексда белгиланган чекловларга риоя этмаганлик тегишли тартибда хизмат текшируви ўтказилиши учун асос бўлади».

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI
IQTISODIYOT VA MOLIYA VAZIRINING
BUYRUG‘I****28 Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning
xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash
va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 66-bandiga
o‘zgartirish kiritish haqida***

*O‘zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-yanvarda ro‘yxatdan o‘tkazildi, ro‘yxat raqami 2634-7*

O‘zbekiston Respublikasining Byudjet kodeksi va O‘zbekiston Respublikasi Prezidentining 2022-yil 21-dekabrda PF–269-son “Yangi O‘zbekiston ma’muriy islohotlarini amalga oshirish chora-tadbirlari to‘g‘risida”gi Farmoniga muvofiq **buyuraman:**

1. O‘zbekiston Respublikasi moliya vazirining 2014-yil 14-noyabrda 74-son buyrug‘i (ro‘yxat raqami 2634, 2014-yil 15-dekabr) (O‘zbekiston Respublikasi qonun hujjatlari to‘plami, 2014-y., 51-son, 612-modda) bilan tasdiqlangan Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag‘lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro‘yxatdan o‘tkazish tartibi to‘g‘risidagi nizomning 66-bandi ikkinchi xatboshisidagi “sohalarni moliyalashtiruvchi tegishli bo‘linma boshliqlari” degan so‘zlar “vazirlikning tegishli tarkibiy bo‘linmalari (tashkilotlari) rahbarlari” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e‘lon qilingan kundan e‘tiboran kuchga kiradi.

Vazir**D. KUCHKAROV**

Toshkent sh.,
2025-yil 15-yanvar,
222-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma’lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 20-yanvarda e’lon qilingan.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
OLIY TA'LIM, FAN VA INNOVATSIYALAR VAZIRINING
BUYRUG'I

29 Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilar tarkibining o'quv yuklamasi hamda o'quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va "ustoz-shogird" ishlarini belgilash qoidalarining 7-bandiga o'zgartirish kiritish haqida*

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
20-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3076-2*

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-noyabrdagi 758-son "O'zbekiston Respublikasining Mehnat kodeksini amalga oshirishga oid normativ-huquqiy hujjatlarni tasdiqlash to'g'risida"gi qaroriga muvofiq **buyuraman:**

1. O'zbekiston Respublikasi oliy va o'rta maxsus ta'lim vazirining 2018-yil 10-sentabrdagi 20-2018-son buyrug'i (ro'yxat raqami 3076, 2018-yil 8-oktabr) (Qonun hujjatlari ma'lumotlari milliy bazasi, 09.10.2018-y., 10/18/3076/2007-son) bilan tasdiqlangan Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilar tarkibining o'quv yuklamasi hamda o'quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va "ustoz-shogird" ishlarini belgilash qoidalarining 7-bandidagi "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 1997-yil 11-martdagi 133-son qarori bilan tasdiqlangan Ijodiy ta'tillar berish tartibi" degan so'zlar "O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2024-yil 14-noyabrdagi 758-son qarori bilan tasdiqlangan Ijodiy ta'tillar berish tartibi to'g'risidagi nizom" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

2. Mazkur buyruq rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran kuchga kiradi.

Vazir

K. SHARIPOV

Toshkent sh.,
2025-yil 14-yanvar,
11-son

* Ushbu buyruq «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 21-yanvarda e'lon qilingan.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МИЛЛИЙ
АГЕНТЛИГИ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

30 Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3601*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 1 мартдаги ПҚ–108-сон «Суғурта хизматлари бозорини янада ривожлантиришнинг комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича вакил ҳамда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Директор

Д. ЛИ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 декабрь,
16-сон

Келишилди:

*Тадбиркорлик субъектларининг
ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини
ҳимоя қилиш бўйича вакил*

Д. КАСИМОВ

2024 йил 18 декабрь

Савдо-саноат палатаси раиси

Д. ВАХАБОВ

2024 йил 25 декабрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 21 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги
директорининг 2024 йил 25 декабрдаги
16-сон буйруғига
ИЛОВА

Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги НИЗОМ

Ушбу Низом суғурталовчи ёки қайта суғурталовчиларнинг (бундан буён матнда суғурталовчи деб юритилади) суғурта хизматлари кўрсатилиши сифати бўйича рейтингини (бундан буён матнда рейтинг деб юритилади) аниқлаш ва юритиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Рейтинг Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлигининг (бундан буён матнда ваколатли давлат органи деб юритилади) Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимида (бундан буён матнда Ягона тизим деб юритилади) шакллантирилади ва расмий веб-сайтида ҳар ойнинг 10 санасида янгиланган ҳолда эълон қилиб борилади.

Рейтинг техник жиҳатдан ваколатли давлат органи томонидан таъминланади.

2. Рейтинг шкаласи ушбу Низомнинг 1-иловасига мувофиқ белгиланади.

3. Рейтингни аниқлаш учун суғурталовчилар фаолиятини баҳолаш (бундан буён матнда баҳолаш деб юритилади) кўрсаткичлари бўйича умумий балл баҳолаш вақтида амалда бўлган кўрсаткичлар сони ва уларга берилган баллар йиғиндисидан келиб чиқиб белгиланади.

Янги ташкил этилган суғурталовчиларни баҳолаш улар амалга оширган фаолияти муддатидан келиб чиқиб амалга оширилади.

4. Баҳолаш кўрсаткичлари ва унга берилган баллар тўғрисидаги маълумотлар суғурталовчининг Ягона тизимдаги шахсий кабинетидан реал вақт режимида акс эттирилади.

Баҳолаш кўрсаткичлари ўзгарган тақдирда, суғурталовчининг шахсий кабинетиданги маълумотлар янгиланади.

Баҳолаш кўрсаткичларини шакллантириш учун ваколатли давлат органи зарур бўлган маълумотларни суғурталовчилардан олиш ваколатига эга. Зарур маълумотлар тақдим этилмаганда, суғурталовчининг тегишли кўрсаткичлари баҳоланмайди.

5. Рейтинг маълумотлари бўйича суғурталовчининг эътирозлари мавжуд бўлганда, ўз шахсий кабинети орқали ваколатли давлат органига мурожаат қилади.

6. Суғурталовчи томонидан баҳолаш кўрсаткичи юзасидан билдирилган эътирозлар тақдим этилган кундан бошлаб ваколатли давлат органи томонидан беш иш куни ичида кўриб чиқилади. Бунда:

эътирозлар асосли деб топилганда, маълумотлар базасига тегишли тузатишлар киритилган ҳолда баҳолаш кўрсаткичи қайта шакллантирилади;

эътирозлар асоссиз деб топилганда, баҳолаш кўрсаткичлари ўзгаришсиз қолдирилиб, бу ҳақда тегишли тушунтириш суғурталовчининг шахсий кабинетида юборилади.

2-боб. Суғурталовчиларни баҳолаш мезонлари

7. Суғурталовчи қуйидаги кўрсаткичлар асосида ушбу Низомнинг 2-ило-
васига мувофиқ даврийликда баҳоланади:

а) умумий кўрсаткичлар:

умумий суғурта даъволари сонига нисбатан ўз вақтида кўриб чиқилган суғурта даъволари сони;

суғурта товонини (тўловини) тўлаш тан олинган суғурта даъволари умумий сонига нисбатан ўз вақтида тўланган суғурта товонлари (тўловлари) сони;

умумий суғурта даъволари сонига нисбатан қаноатлантирилган суғурта даъволарининг нисбати;

суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва суғурта тўловларининг нисбати (бирлаштирилган коэффициент);

суғурталовчининг тўловга қобилиятлилик маржасининг етарлилик нормативи;

инвестиция фаолияти натижадорлиги;

суғурта захиралари шакллантирилганлиги;

суғурталовчининг филиал (сотув марказ)лари сони;

б) балларни камайтирувчи кўрсаткичлар:

тузилган суғурта шартномалар сонига нисбатан ваколатли давлат органига келиб тушган суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) сони;

ўз вақтида кўриб чиқилмаган суғурта даъволари бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони;

ўз вақтида тўланмаган суғурта товонлари (тўловлари) бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони;

суғурталовчилар томонидан ҳисобот ёки бошқа маълумотлар (фаолиятни баҳолашда таъсир этадиган) ваколатли давлат органига бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлиги (била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги);

суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) бўйича ваколатли давлат органининг қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан суғурталовчига берилган мажбурий кўрсатмаси белгиланган муддатда бажарилмаганлиги;

суғурта фаолиятига оид лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганлиги;

в) қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар:

суғурталовчида халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан берилган ўрта ва ундан юқори рейтинг кўрсаткичларининг мавжудлиги;

суғурталовчида халқаро стандартлаштириш ташкилотлари томонидан берилган сифат сертификатлари мавжудлиги;

суғурта хизматлари истеъмолчиларига қўшимча хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилганлиги;

«Яшил суғурта» маҳсулотларининг жорий этилганлиги;

ихтиёрий тиббий суғурта маҳсулотларининг жорий этилганлиги.

3-боб. Рейтингни баҳолаш методикаси

1-§. Умумий кўрсаткичлар

8. Умумий суғурта даъволари сонига нисбатан ўз вақтида кўриб чиқилган суғурта даъволари сони қуйидагича баҳоланади:

90 — 100 фоизгача бўлса — 15 балл;

75 — 89 фоизгача бўлса — 10 балл;

50 — 74 фоизгача бўлса — 8 балл;

25 — 49 фоизгача бўлса — 4 балл;

24 фоизгача бўлса — 2 балл берилади.

9. Суғурта товонини (тўловини) тўлаш тан олинган суғурта даъволари умумий сонига нисбатан ўз вақтида тўланган суғурта товонлари (тўловлари) сони қуйидагича баҳоланади:

90 — 100 фоизгача бўлса — 10 балл;

75 — 89 фоизгача бўлса — 8 балл;

50 — 74 фоизгача бўлса — 6 балл;

25 — 49 фоизгача бўлса — 4 балл;

24 фоизгача бўлса — 2 балл берилади.

10. Умумий суғурта даъволари сонига нисбатан қаноатлантирилган суғурта даъволарининг нисбати қуйидагича баҳоланади:

45 фоиздан юқори бўлса — 10 балл;

40 — 44 фоизгача бўлса — 8 балл;

35 — 39 фоизгача бўлса — 6 балл;

25 — 34 фоизгача бўлса — 4 балл;

24 фоизгача бўлса — 2 балл берилади.

11. Суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва суғурта тўловларининг нисбати (бирлаштирилган коэффициент) қуйидагича баҳоланади:

100 фоиз ва ундан кам бўлса — 10 балл;

101 — 104 фоизгача бўлса — 8 балл;

105 — 109 фоизгача бўлса — 6 балл;

110 фоиздан юқори бўлса — 4 балл.

12. Суғурталовчининг тўловга қобилятлилик маржасининг етарлилик нормативи қуйидагича баҳоланади:

2 дан юқори бўлса — 20 балл;

1,5 — 2 гача бўлса — 15 балл;

1,2 — 1,5 гача бўлса — 10 балл;

1 — 1,2 гача бўлса — 5 балл берилади.

13. Инвестиция фаолияти (бундан ўзи учун фойдаланишга олинган кўчар ва кўчмас мулклар ҳамда банкка қўйилган омонатлар мустасно) натижадорлиги жами инвестиция қилинган суммага нисбатан даромадлилик нисбати ҳисобланади ва қуйидагича баҳоланади:

- 14 фоиздан юқори бўлса — 10 балл;
- 10 — 13 фоизгача бўлса — 6 балл;
- 7 — 9 фоизгача бўлса — 3 балл;
- 4 — 6 фоизгача бўлса — 1 балл берилади.

14. Суғурта захиралари шакллантирилганлиги қуйидагича баҳоланади: ўрнатилган меъёрларга мувофиқ шакллантирилган бўлса — 15 балл; шакллантирилмаган ёки тўлиқ бўлмаган миқдорда шакллантирилган бўлса — балл берилмайди.

15. Суғурталовчининг филиаллари (сотув марказлари) сони қуйидагича баҳоланади:

а) мажбурий суғуртага оид лицензияга эга суғурталовчилар учун (филиал сонига нисбатан лицензия талабини ҳисобга олмаганда):

- 70 та ва ундан кўп бўлса — 10 балл;
- 35 — 69 тагача бўлса — 7 балл;
- 15 — 34 тагача бўлса — 3 балл берилади;

б) бошқа суғурталовчилар учун:

- 14 та ва ундан кўп бўлса — 10 балл;
- 8 — 13 тагача бўлса — 7 балл;
- 3 — 7 тагача бўлса — 3 балл берилади.

2-§. Балларни камайтирувчи кўрсаткичлар

16. Суғурталовчининг сўнгги ўн икки ойда тузилган суғурта шартномалари сонига нисбатан ваколатли давлат органига сўнгги ўн икки ойда келиб тушган суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) сони (бундан такрорий мурожаатлар мустасно) 0,01 фоиздан кўп бўлса, баллар йиғиндисидан 9 балл чегирилади.

17. Ўз вақтида кўриб чиқилмаган суғурта даъволари бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони:

- 10 та ва ундан кўп бўлса — 8 балл;
- 7 — 9 тагача бўлса — 4 балл;
- 5-6 тагача бўлса — 2 балл баллар йиғиндисидан чегирилади.

18. Ўз вақтида тўланмаган суғурта товонлари бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони:

- 10 та ва ундан кўп бўлса — 8 балл;
- 7 — 9 тагача бўлса — 4 балл;
- 5-6 тагача бўлса — 2 балл баллар йиғиндисидан чегирилади.

19. Суғурталовчилар томонидан ҳисобот ёки бошқа маълумотлар (фаолиятни баҳолашда таъсир этадиган) ваколатли давлат органига бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлигининг (била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги) ҳар бир ҳолати учун баллар йиғиндисидан

дан 3 баллдан чегирилади, бунда жами чегирилиши мумкин бўлган баллар 9 баллдан ошмаслиги лозим.

20. Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) бўйича ваколатли давлат органининг қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан суғурталовчига берилган мажбурий кўрсатмаси белгиланган муддатда бажарилмаганда, баллар йиғиндисидан 3 балл чегирилади, бунда барча кўрсатмалар бўйича жами чегирилиши мумкин бўлган баллар 12 баллдан ошмаслиги лозим.

21. Суғурталовчининг суғурта фаолиятига оид лицензиясининг амал қилиши тўхтатилганда, баллар йиғиндисидан қуйидагича чегирилади:

10 кун муддатга тўхтатилганда — 7 балл;

6 ойгача муддатга тўхтатилганда — 9 балл.

3-§. Қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар

22. Суғурталовчида халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан берилган ўрта ва ундан юқори рейтинг кўрсаткичлари мавжуд бўлганда, ҳар бир рейтинг учун 3 балл берилади, бунда жами қўшилиши мумкин бўлган баллар 9 баллдан ошмаслиги лозим.

23. Суғурталовчида халқаро стандартлаштириш ташкилотлари томонидан берилган сифат сертификатлари мавжуд бўлса 4 балл берилади.

24. Суғурта хизматлари истеъмолчиларига қуйидаги қўшимча хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилганда:

а) узлуксиз, яъни 24/7 фаолият юритадиган Call-марказ ташкил этилган бўлса — 5 балл;

б) масофавий электрон суғурта шартномалари тузиш имконияти яратилган ихтиёрий суғурта маҳсулотлари сони:

5 — 9 тагача бўлса — 1 балл;

10 — 14 тагача бўлса — 3 балл;

15 та ва ундан кўп бўлса — 5 балл;

в) миқозларга масофавий хизмат кўрсатилишини таъминловчи электрон платформа мавжуд бўлса — 5 балл;

г) суғурталовчида суғурта фаолиятини таъминлашга йўналтирилган хизмат кўрсатувчи шуъба корхоналар (аджастерлар, актуарийлар, суғурта сюрвейерлари, ассистанс ва бошқалар) мавжуд бўлганда, ҳар бир шуъба корхона учун 1 балл берилади. Бунда, жами қўшилиши мумкин бўлган баллар 5 баллдан ошмаслиги лозим.

25. «Яшил суғурта» маҳсулотлари (қайта тикланувчи энергия манбаларини суғурталаш, халқаро сертификатларга эга бўлган яшил бинолар суғуртаси, электромобиллар суғуртаси, экологик жавобгарлик суғуртаси ва бошқалар) жорий этилиб, суғурта мукофоти қуйидаги миқдорларни ташкил қилганда:

1 — 3 млрд сўмгача бўлса — 2 балл;

3 — 5 млрд сўмгача бўлса — 4 балл;

5 млрд сўм ва ундан кўп бўлса — 6 балл берилади.

26. Ихтиёрий тиббий суғурта маҳсулотларининг суғурта мукофоти қу-
йидаги миқдорларни ташкил қилганда:

1 — 3 млрд сўмгача бўлса — 2 балл;
3 — 5 млрд сўмгача бўлса — 4 балл;
5 млрд сўм ва ундан кўп бўлса — 6 балл берилади.

4-боб. Якуний қоидалар

27. Мазкур Низомда белгиланган масалалар бўйича низолар қонунчилик
ҳужжатларига мувофиқ ҳал қилинади.

28. Рейтинг ҳаёт ва умумий йўналишда фаолият юритадиган суғурталов-
чилар бўйича алоҳида ҳисобланади ва юритилади.

29. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун-
чилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва
юретиш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Суғурталовчилар рейтинг
ШКАЛАСИ

Сифат даражаси	Рейтинг кўрсаткичи	Баҳо
Юқори	AAA	96-100+ баллар
	AA	91-95 баллар
	A	86-90 баллар
Ўрта	BBB	76-85 баллар
	BB	66-75 баллар
	B	56-65 баллар
Қониқарли	CCC	51-55 баллар
	CC	36-50 баллар
	C	26-35 баллар
Қуйи	D	25 баллгача

Суғурталовчилар рейтингини аниқлаш ва
юритиш тартиби тўғрисидаги низомга
2-ИЛОВА

Суғурталовчилар рейтинги бўйича баҳолаш
КЎРСАТКИЧЛАРИ

T/p	Кўрсаткич номи	Баҳолаш даврийлиги	Ҳисобга олинадиган муддат	Максимал баллар
а) Умумий кўрсаткичлар				
1.	Умумий суғурта даъволари сонига нисбатан ўз вақтида кўриб чиқилган суғурта даъволари сони	чораклик	охирги 12 ой давомида	15 балл
2.	Суғурта товонини (тўловини) тўлаш тан олинган суғурта даъволари умумий сонига нисбатан ўз вақтида тўланган суғурта товонлари (тўловлари) сони	чораклик	охирги 12 ой давомида	10 балл
3.	Умумий суғурта даъволари сонига нисбатан қаноатлантирилган суғурта даъволарининг нисбати	чораклик	охирги 12 ой давомида	10 балл
4.	Суғурта турлари бўйича йиғилган суғурта мукофотлари ва суғурта тўловларининг нисбати (бирлаштирилган коэффициент)	йиллик	охирги 12 ой давомида	10 балл
5.	Суғурталовчининг тўловга қобилиятлилик маржасининг етарлилик нормативи	чораклик	ҳисобланадиган кун ҳолатига	20 балл
6.	Инвестиция фаолияти натижадорлиги	йиллик	охирги 12 ой давомида	10 балл
7.	Суғурта захиралари шакллантирилганлиги	чораклик	ҳисобланадиган кун ҳолатига	15 балл
8.	Суғурталовчининг филиал (сотув марказ)лари сони	чораклик	ҳисобланадиган кун ҳолатига	10 балл
Жами				100 балл
б) Балларни камайтирувчи кўрсаткичлар				
1.	Тузилган суғурта шартномалари сонига нисбатан ваколатли давлат органига келиб тушган суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) сони	чораклик	охирги 12 ой давомида	9 балл
2.	Ўз вақтида кўриб чиқилмаган суғурта даъволари бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони	ойлик	охирги 12 ой давомида	8 балл
3.	Ўз вақтида тўланмаган суғурта товонлари (тўловлари) бўйича қўлланилган жарима санкциялари сони	ойлик	охирги 12 ой давомида	8 балл
4.	Суғурталовчилар томонидан ҳисобот ёки бошқа маълумотлар (фаолиятни баҳолашда таъсир этадиган) ваколатли давлат органига бузиб кўрсатилган ҳолда тақдим этилганлиги (била туриб ёлғон ва нотўғри маълумотлар тақдим этилганлиги)	ойлик	охирги 12 ой давомида	9 балл
5.	Суғурта хизматлари истеъмолчиларининг мурожаатлари (шикоятлар) бўйича ваколатли давлат органининг қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш юзасидан суғурталовчига берилган мажбурий кўрсатмаси белгиланган муддатда бажарилмаганлиги	ойлик	охирги 12 ой давомида	12 балл
6.	Суғурта фаолиятига оид лицензиянинг амал қилиши тўхтатилганлиги	ойлик	охирги 12 ой давомида	9 балл
Жами				55 балл

в) Қўшимча балл берувчи кўрсаткичлар				
1.	Суғурталовчида халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан берилган ўрта ва ундан юқори рейтинг кўрсаткичларининг мавжудлиги	ойлик	ҳисобланадиган кун ҳолатига	9 балл
2.	Суғурталовчида халқаро стандартлаштириш ташкилотлари томонидан берилган сифат сертификатлари мавжудлиги	ойлик	ҳисобланадиган кун ҳолатига	4 балл
3.	Суғурта хизматлари истеъмолчиларига қўшимча хизматлардан фойдаланиш имконияти яратилганлиги	ойлик	охирги 12 ой давомида	20 балл
4.	«Яшил суғурта» маҳсулотларининг жорий этилганлиги	ойлик	охирги 12 ой давомида	6 балл
5.	Ихтиёрий тиббий суғурта маҳсулотларининг жорий этилганлиги	ойлик	охирги 12 ой давомида	6 балл
Жами				45 балл

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

31 Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот ин-
титуту томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш тарти-
би тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2025 йил
21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3602*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПҚ–22-сон «Криминология соҳасида илмий-амалий тадқиқот ишларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 24 июлдаги 445-сон «Криминологик фаолиятни илмий таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институту томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга кирази.

Вазир

П. БОБОЖОНОВ

Тошкент ш.,
2024 йил 25 декабрь,
729-сон

Келишилди:

**Ахборот ва оммавий коммуникациялар
агентлиги директори**

А. ХОДЖАЕВ

2024 йил 26 ноябрь

* Ушбу буйруқ «Қонунчилик маълумотлари миллий базаси»да 2025 йил 22 январда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
ички ишлар вазирлигининг 2024 йил
25 декабрдаги 729-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот
институтининг томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институтининг (бундан буён матнда Институт деб юритилади) томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида шартнома асосида пуллик хизматлар кўрсатиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

бўйрутмачи — Институтга жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида экспертлик, илмий-тадқиқот, ноширлик ва матбаа фаолияти бўйича хизмат кўрсатишни сўраб ўз ихтиёрига кўра муурожаат қилган жисмоний ёки юридик шахс;

пуллик хизмат — Институт томонидан шартнома асосида ҳақ эвазига жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида экспертлик, илмий-тадқиқот, ноширлик ва матбаа фаолиятининг амалга ошириш бўйича кўрсатиладиган хизматлар.

2. Институт жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида шартнома асосида қуйидаги фаолият турлари бўйича пуллик хизмат кўрсатади:

экспертлик фаолияти;
илмий-тадқиқот фаолияти;
ноширлик фаолияти;
матбаа фаолияти.

3. Институт экспертлик фаолияти бўйича қуйидаги пуллик хизматларни кўрсатади:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолиятининг амалга оширувчи давлат органлари ходимларининг касбий малакасининг ошириш;

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида жиноятнинг омиллари ва тенденциялари ҳамда уларни бартараф этиш чора-тадбирлари бўйича хулоса бериш.

4. Институт илмий-тадқиқот фаолияти бўйича қуйидаги пуллик хизматларни кўрсатади:

жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш фаолияти соҳасида ижтимоий фикрнинг ўрганиш бўйича социологик тадқиқотлар ўтказиш;

стенограмма хизматини кўрсатиш (илмий даражалар берувчи илмий кенгашлар мажлислари стенограммасини тайёрлаш).

5. Институт ноширлик фаолиятида босма маҳсулотларни (илмий ва оммавий адабиётларни, жумладан, китоб, газета, журнал ва тасвирий санъат асарларини) нашр қилишга тайёрлаш бўйича пуллик хизматларни кўрсатади.

6. Институт матбаа фаолияти бўйича қуйидаги пуллик хизматларни кўрсатади:

босма нашрларни босиш;

босма маҳсулотларнинг қолипларини тайёрлаш;

муҳр ва штамплар тайёрлаш, босма маҳсулотларни муқовалаш.

2-боб. Пуллик хизмат кўрсатиш тартиби

7. Буюртмачи пуллик хизмат кўрсатишни сўраб Институтга ёзма ёки электрон шаклда мурожаат қилади.

8. Институтга мурожаат келиб тушган кундан бошлаб бир иш куни ичида буюртмачи ва Институт ўртасида икки нусхада пуллик хизмат кўрсатиш бўйича шартнома тузилади.

9. Пуллик хизматлар прејскуранти (нархлари) Институт бошлиғи томонидан бозор конъюнктурасидан келиб чиққан ҳолда тасдиқланади.

10. Пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағлар Институтнинг бюджетдан ташқари жамғармасига ўтказилади.

11. Пуллик хизматлар кўрсатишдан тушадиган маблағларнинг келиб тушиши ва мақсадли сарфланишини назорат қилиш Институт бошлиғи зиммасига юклатилади.

3-боб. Якуний қоида

12. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўладилар.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
MARKAZIY BANKI BOSHQARUVINING
QARORI

**32 Banklar va banklar guruhlarining tavakkalchiliklarni
boshqarish tizimiga doir talablar to'g'risidagi nizomga
o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida***

*O'zbekiston Respublikasi Adliya vazirligi tomonidan 2025-yil
21-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3427-1*

O'zbekiston Respublikasining "O'zbekiston Respublikasining Markaziy banki to'g'risida"gi va "Banklar va bank faoliyati to'g'risida"gi qonunlariga muvofiq O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvi **qaror qiladi:**

1. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2023-yil 7-martdagi 4/11-son qarori (ro'yxat raqami 3427, 2023-yil 18-aprel) (Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi, 19.04.2023-y., 10/23/3427/0218-son) bilan tasdiqlangan Banklar va banklar guruhlarining tavakkalchiliklarni boshqarish tizimiga doir talablar to'g'risidagi nizomga ilovaga muvofiq o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilsin.

2. Mazkur qaror rasmiy e'lon qilingan kundan e'tiboran uch oydan keyin kuchga kiradi.

Rais

M. NURMURATOV

Toshkent sh.,
2024-yil 5-dekabr,
37/6-son

* Ushbu qaror «Qonunchilik ma'lumotlari milliy bazasi»da 2025-yil 24-yanvarda e'lon qilingan.

O'zbekiston Respublikasi
Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil
5-dekabrda 37/6-son qaroriga
ILOVA

**Banklar va banklar guruhlarining tavakkalchiliklarni
boshqarish tizimiga doir talablar to'g'risidagi nizomga
kiritilayotgan o'zgartirish va qo'shimchalar**

1. 1-bandda:

beshinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“komplayens tavakkalchiligi — O'zbekiston Respublikasining qonunchilik hujjatlari, bankning ichki hujjatlari, shuningdek bank faoliyatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan xorijiy mamlakatlarning hujjatlariga rioya etilmasligi natijasida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zarar (yo'qotish) ko'rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;”;

quyidagi mazmundagi yettinchi va sakkizinchi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi — bozordagi foiz stavkalari o'zgarishining bank portfelidagi aktivlar va majburiyatlarga ta'sir qilishi natijasida zarar (yo'qotish) ko'rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;

mamlakat tavakkalchiligi — xorijiy mamlakatdagi siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy vaziyat yoki mazkur mamlakatdagi boshqa o'zgarishlar oqibatida yuzaga kelishi mumkin bo'lgan zarar (yo'qotish) ko'rish va (yoki) rejalashtirilgan daromadni olmaslik ehtimolligi;”;

yettinchi — o'n uchinchi xatboshilar tegishli ravishda to'qqizinchi — o'n beshinchi xatboshilar deb hisoblansin;

o'n to'rtinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“sezilarli tavakkalchiliklar — bankning kredit, likvidlilik, bozor, operatsion, komplayens, mamlakat tavakkalchiliklari va bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi;”;

quyidagi mazmundagi xatboshilar bilan to'ldirilsin:

“savdo portfeli — bank tomonidan moliyaviy instrumentlar narxlaridagi qisqa muddatli tebranishlardan foyda olish maqsadida keyinchalik sotish va (yoki) tavakkalchiliklarni xedjirlash maqsadida xarid qilingan moliyaviy instrumentlar yig'indisi;

bank portfeli — bankning savdo portfeliga kiritilmagan hamda muddati tugaguniga qadar bank balansi yoki balansdan tashqari moddalarida saqlanuvchi aktivlar va majburiyatlar yig'indisi;

operatsion bardoshlilik — bankning favqulodda vaziyatlarda va ko'zda tutilmagan holatlarda muhim operatsiyalari uzluksizligini ta'minlay olish qobiliyati;

muhim operatsiya — bank tomonidan amalga oshiriladigan operatsiya bo'lib, uni amalga oshirishdagi uzilishlar (to'xtashlar) bank faoliyati barqarorligi va (yoki) bank tizimi barqarorligiga sezilarli putur yetkazishi mumkin.”.

2. Quyidagi mazmundagi 4¹-band bilan to'ldirilsin:

“4¹. Bankning tavakkalchiliklarni boshqarish tizimi bank faoliyati xususiyatlaridan kelib chiqib sezilarli tavakkalchiliklardan tashqari boshqa tavakkalchiliklarni o‘z ichiga olishi mumkin.

Bunda, bank mazkur tavakkalchiliklar o‘z vaqtida aniqlanishi, baholanishi, monitoring qilinishi va ular bo‘yicha hisobot tayyorlanishi, nazorat qilinishi hamda mazkur tavakkalchiliklarning kamaytirilishini ta‘minlashi lozim.”.

3. 7-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“Asosiy bank mazkur hisob-kitoblarni har yili bankning yillik moliyaviy hisoboti Markaziy bankka taqdim etilgan vaqtdan boshlab bir oy ichida Markaziy bankka taqdim etishi lozim.”.

4. 10-bandning ikkinchi xatboshisidagi “9-bandida” degan so‘z “8-bandida” degan so‘z bilan almashtirilsin.

5. 14-bandning uchinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit, likvidlilik, bozor, operatsion, mamlakat tavakkalchiliklarini va bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini stress-testdan o‘tkazish uslubiyoti va vositalari;”.

6. 15-banddagi “har chorakda” degan so‘zlar “bir yilda” degan so‘zlar bilan almashtirilsin.

7. 29-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“yirik tavakkalchiliklarga oid bitimlarni tuzishga doir qarorlar qabul qilish. Bunda, yirik tavakkalchilik deganda jami summasi bank birinchi darajali kapitalining 10 foizi va undan yuqori bo‘lgan bir qarz oluvchi yoki o‘zaro aloqador qarz oluvchilar guruhi uchun tavakkalchiliklar tushuniladi.”.

8. 32-band quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“sezilarli tavakkalchiliklar hamda ularni kamaytirish yuzasidan tayyorlangan hisobotlarni har chorakda, stress-test natijalarini bir yilda kamida bir marotaba Markaziy bankka taqdim qilish.”.

9. 34-bandda:

uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit, bozor, operatsion, likvidlilik, mamlakat tavakkalchiliklarini va bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini baholash metodlarini ishlab chiqish yoki ishlab chiqishda ishtirok etish;”;

o‘n uchinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“kredit, likvidlilik, bozor, operatsion, mamlakat tavakkalchiliklari va bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo‘yicha, jumladan bankda mavjud yoki yuzaga kelishi kutilayotgan tavakkalchiliklar hamda ularni kamaytirish yuzasidan hisobotlarni kuzatuv kengashi va tavakkalchiliklarni boshqarish qo‘mitasiga (agar tashkil etilgan bo‘lsa) har chorakda, bank boshqaruviga har oyda kamida bir marotaba kiritish;”;

quyidagi mazmundagi xatboshi bilan to‘ldirilsin:

“tavakkalchiliklarni aniqlash, o‘lchash, monitoring va nazorat qilish, shuningdek stress-testlarni o‘tkazishga mo‘ljallangan bank ichki modellarining ishonchiligi va samaradorligini muntazam ravishda baholash.”.

10. Quyidagi mazmundagi 35¹-band bilan to‘ldirilsin:

“35¹. Tavakkalchilik bo‘linmasi rahbari bilan tuzilgan mehnat shartnomasi

bekor qilingan taqdirda, bank ushbu haqda mehnat shartnomasini bekor qilish asoslari va sabablarini ko'rsatgan holda Markaziy bankka qaror qabul qilingan kundan boshlab 5 kun ichida ma'lumot berishi lozim."

11. 36-band "Qonunchilik hujjatlari" degan so'zlardan keyin " , bank faoliyatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan xorijiy mamlakatlarning hujjatlari" degan so'zlar bilan to'ldirilsin.

12. 49-bandda:

quyidagi mazmundagi uchinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"kredit arizalarini (buyurtmanomalarini) ko'rib chiqish, ma'qullash va kredit berish yoki uni rad etish to'g'risida qaror qabul qilish jarayoni tavsifini;"

uchinchi — to'qqizinchi xatboshilar tegishli ravishda to'rtinchi — o'ninchi xatboshilar deb hisoblansin;

quyidagi mazmundagi beshinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"qarz oluvchilarning to'lovga layoqatligi tahlili natijalarini hisobga olgan holda kreditlashning limitlari tavsifini;"

beshinchi — o'ninchi xatboshilar tegishli ravishda oltinchi — o'n birinchi xatboshilar deb hisoblansin;

to'qqizinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"kredit ajratishga doir qarorlar qabul qilishda bank boshqaruv organlari, qo'mitalari, shuningdek tarkibiy bo'linmalari, shu jumladan filiallari o'rtasida javobgarlikning aniq chegaralarini;"

13. Quyidagi mazmundagi 51¹ — 51³-bandlar bilan to'ldirilsin:

"51¹. Kuzatuv kengashi kredit tavakkalchiliklarini boshqarishda quyidagilarni nazorat qilishi lozim:

1) kreditlar bankning risk-appetiti doirasida, jumladan tavakkalchiliklarni boshqarish strategiyasi va biznes rejasi doirasida ajratilayotganligini;

2) kredit ajratish jarayoni bankning kredit siyosati va tegishli hujjatlarida aks ettirilganligini;

3) quyidagilarni qamrab olgan axborot tizimiga ega ekanligini:

kredit turlari kesimida kredit portfeli bankning risk-appetiti doirasida ekanligini aks ettiruvchi ma'lumotlar bazasi shakllanganligi;

davriy ravishda hisobotlarni olish imkoniyati mavjudligi;

kredit turlari kesimida tavakkalchilik darajasini baholash uchun kerakli ma'lumotlarning jamlanganligi.

51². Bank kredit tavakkalchiligini samarali boshqarish maqsadida quyidagilarni hisobga olishi lozim:

kredit portfeli diversifikatsiyasini;

qarzdorlarning qarz yuki darajasini;

kreditning garov qiymatiga nisbatini (kredit garov bilan ta'minlangan bo'lsa);

sug'urtalangan kreditlarning jami kreditlardagi ulushi va sug'urta tashkilotlariga nisbatan to'planish (konsentratsiya) darajasini;

kafolatlovchi (kafil), shu jumladan sug'urtalovchining moliyaviy holatini;

kredit portfelida kutilgan eng yuqori yo'qotishlar, muammoli kreditlar ulushi va hisobdan chiqariladigan kreditlar darajasini.

51³. Reyting kompaniyalari tomonidan berilgan reyting baholariga ega

kontragent uchun kredit tavakkalchiligini baholashda bank mazkur reyting baholaridan foydalanish bilan chegaralanmasdan ushbu kontragentning moliyaviy holatini mustaqil va xolis ravishda kompleks baholash choralarini ko'rish lozim."

14. Quyidagi mazmundagi 53¹ va 53²-bandlar bilan to'ldirilsin:

"53¹. Kredit bo'yicha garov predmetining bozor qiymatini baholash va qayta baholash bank ichki hujjatlarida o'rnatilgan muddatlarda O'zbekiston Respublikasining "Baholash faoliyati to'g'risida"gi Qonuni hamda boshqa qonunchilik hujjatlarida belgilangan tartibda amalga oshiriladi.

53². Kredit bo'yicha garov predmetining bozor qiymatini baholash, qayta baholash tartibi va tamoyillari bank boshqaruvi tomonidan tasdiqlanishi lozim."

15. Quyidagi mazmundagi 62¹-band bilan to'ldirilsin:

"62¹. Bank boshqaruvi davriy ravishda (bir yilda kamida bir marotaba) muammoli aktivlar bilan ishlash siyosati samaradorligini baholashdan o'tkazishi hamda baholash natijalari tayyor bo'lgan kundan boshlab 5 kun ichida kuzatuv kengashiga va 15 kun ichida Markaziy bankka taqdim etishi lozim."

16. 89-bandda:

ikkinchi xatboshi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

"qimmatli qog'ozlar, qat'iy belgilangan daromad keltiruvchi boshqa moliyaviy instrumentlar hamda qimmatli qog'ozlarning hosilalari qiymatiga ta'sir ko'rsatuvchi bozor foiz stavkalaridagi kutilmagan o'zgarishlar tufayli bankning savdo portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini;"

beshinci xatboshidagi "qimmatli qog'ozlarning" degan so'zlar "aksiyalarning va bazaviy aktivi aksiya bo'lgan qimmatli qog'ozlarning hosilalarining" degan so'zlar bilan almashtirilsin.

17. 90-bandning birinchi xatboshisidagi "investitsiya" degan so'z "savdo" degan so'z bilan almashtirilsin.

18. Quyidagi mazmundagi 91¹-band bilan to'ldirilsin:

"91¹. Bozor tavakkalchiligi bo'yicha risk-appetit quyidagi miqdoriy ko'rsatkichlarni o'z ichiga olishi lozim:

bozor tavakkalchiliklari bo'yicha (mutlaq qiymatda va bank regulyativ kapitaliga nisbatan foizda) yuqori ishonchlilik darajasiga (kamida 99 foiz) ega bo'lgan hamda 10 kunlik davrni qamrab oluvchi tavakkalchilik ostidagi qiymatning eng yuqori miqdori;

kapital monandligi hisob-kitobida bozor tavakkalchiliklari summasining eng yuqori miqdori (mutlaq qiymatda va bank regulyativ kapitaliga nisbatan foizda);

bankning asosiy valyutalari kesimida valyuta pozitsiyalarining eng yuqori miqdori."

19. 105-band quyidagi mazmundagi oltinchi xatboshi bilan to'ldirilsin:

"operatsion bardoshlilikni ta'minlash tartibini;"

oltinchi xatboshi yettinchi xatboshi deb hisoblansin.

20. Quyidagi mazmundagi 109¹ — 109⁹-bandlar bilan to'ldirilsin:

"109¹. Kuzatuv kengashi bankning risk-appetitini inobatga olgan holda bankning operatsion bardoshlilikini ta'minlash tartibini tasdiqlashi lozim.

109². Bank boshqaruvi bankning moliyaviy, texnik va boshqa resurslarini to'g'ri taqsimlagan holda bankning operatsion bardoshlilikini ta'minlash tartibini joriy qilishi lozim.

109³. Operatsion bardoshlilikni ta'minlash tartibi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

bank faoliyatini qayta tiklash va uning uzluksizligini ta'minlash rejasini (bundan buyon qayta tiklash rejasi deb yuritiladi);

qayta tiklash rejasini sinovdan o'tkazish tartibini.

109⁴. Qayta tiklash rejasi bankning favqulodda vaziyatlarda va ko'zda tutilmagan holatlarda muhim operatsiyalari uzluksizligini ta'minlashga qaratilgan chora-tadbirlar majmui hisoblanadi.

Qayta tiklash rejasida quyidagilar nazarda tutiladi:

bankning muhim operatsiyalari ro'yxati;

bank favqulodda vaziyatlarda va ko'zda tutilmagan holatlarda muhim operatsiyalarni amalga oshira olishi uchun zarur bo'lgan xodimlar, vositalar, jarayonlar, ma'lumotlar va uchinchi shaxslar ro'yxati;

bankning muhim operatsiyalari uzluksizligini ta'minlash va ularni qayta tiklash uchun harakatlar ketma-ketligi tavsifi;

favqulodda vaziyatlarda va ko'zda tutilmagan holatlarda bankning ichki va tashqi kommunikatsiyalarini amalga oshirish tartibi;

bankning muhim operatsiyalarini qayta tiklash uchun talab etiluvchi vaqt tavsifi;

bankning muhim operatsiyalari uzluksizligini ta'minlash va ularni qayta tiklash uchun zarur resurslarning eng kam miqdori.

109⁵. Qayta tiklash rejasi bir yilda kamida bir marotaba yoki bank faoliyatida sezilarli o'zgarishlar yuz bergan taqdirda sinovdan o'tkazilishi lozim.

Bunda quyidagilar tekshiriladi:

bank faoliyatidagi uzilish jiddiyligi darajasidan qat'i nazar bankning muhim operatsiyalari himoyalanganligi;

favqulodda vaziyatlarda va ko'zda tutilmagan holatlarda bankning samarali faoliyat yurita olishi hamda bank normal faoliyatga qaytishining ta'minlanishi.

109⁶. Bank qayta tiklash rejasini sinovdan o'tkazishga tayyorgarlik ko'rish davomida quyidagilarni inobatga olishi lozim:

bank faoliyati uzluksizligini ta'minlash tizimi ishonchliligini baholash maqsadida mazkur tizimni umumiy tarzda hamda alohida qismlarga ajratgan holda tekshirilishini;

sinov jarayonida yuzaga keluvchi favqulodda vaziyatlarning bank faoliyatiga ta'siri chegaralangan bo'lishini;

sinovning maqsad va vazifalari aniq belgilanishini;

sinovdan o'tkazish uchun mas'ul bo'lgan xodimlar ro'yxati shakllantirilishini.

109⁷. Qayta tiklash rejasi sinovlari bank uchun jiddiy oqibatlariga ega, biroq sodir bo'lish ehtimoli mavjud favqulodda vaziyat va ko'zda tutilmagan holatlarni o'z ichiga oluvchi ssenariylar asosida amalga oshirilishi lozim.

109⁸. Qayta tiklash rejasini sinovdan o'tkazish uchun mas'ul bo'lgan xodimlar:

sinov natijalarini monitoring qilishi va baholashi;

sinov jarayoni va natijalari tavsifini, shuningdek bank operatsion bardoshlilikini takomillashtirish maqsadida bank tomonidan ko'rilishi lozim bo'lgan choralarni o'z ichiga olgan bayonnomani tayyorlashi;

bayonnomani qayta tiklash rejasini sinovdan o'tkazishda ishtirok etgan bankning tarkibiy bo'linmalari bilan muvofiqlashtirishi;

bayonnomani tasdiqlash uchun bank boshqaruviga kiritishi lozim.

109⁹. Bank tomonidan qayta tiklash rejasi tasdiqlangan yoki unga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritilgan, shuningdek qayta tiklash rejasi sinovlari bo'yicha bayonnoma tasdiqlangan kundan boshlab 15 kun ichida mazkur hujjatlar Markaziy bankka taqdim etilishi lozim.”.

21. 112-bandning oltinchi xatboshisi quyidagi tahrirda bayon etilsin:

“operatsion tavakkalchilik holatlari natijasida yuzaga kelgan zararlar (yo'qotishlar);”.

22. Quyidagi mazmundagi 112¹ va 112²-bandlar bilan to'ldirilsin:

“112¹. Ichki operatsion tavakkalchilik holatlari bo'yicha bankning ma'lumotlar bazasida ma'lumotlar banklar guruhi ishtirokchilari, bankning tarkibiy bo'linmalari va bank operatsiyalari (tranzaksiyalari) kesimida guruhlanadi.

112². Ichki operatsion tavakkalchilik holatlari bo'yicha bankning ma'lumotlar bazasini yuritishda bank quyidagilarni inobatga olishi lozim:

operatsion tavakkalchilik holatining tasniflanishi;

operatsion tavakkalchilik holati bilan bog'liq zararlar (yo'qotishlar) aniqlanishi va qayd etilishi;

operatsion tavakkalchilik holatining ro'yxatga olinishi;

operatsion tavakkalchilik holatlari haqidagi ma'lumotlarning yangilab turilishi;

operatsion tavakkalchilik holatlari bo'yicha axborot manbalarining yangilab turilishi.”.

23. Quyidagi mazmundagi 122¹-band bilan to'ldirilsin:

“122¹. Bank moliyaviy barqarorligini hamda transchegaraviy operatsiyalarning uzluksizligini ta'minlash maqsadida:

xorijiy mamlakatlarning bank faoliyatiga ta'sir qilishi mumkin bo'lgan qonunchilik hujjatlari talablariga rioya etilishi bilan bog'liq tavakkalchiliklarni;

xorijiy banklar bilan korrespondentlik munosabatlarining uzilishi bilan bog'liq tavakkalchilikni aniqlashi va baholashi lozim.”.

24. Quyidagi mazmundagi 11¹ va 11²-boblar bilan to'ldirilsin:

“11¹-bob. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarishga qo'yilgan talablar

1-§. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarish tizimi

124¹. Kuzatuv kengashi va bank boshqaruvi mamlakat tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish va kamaytirishga xizmat qiluvchi mamlakat tavakkalchiligini boshqarish tizimini joriy qilishi lozim.

124². Bankda yuzaga keladigan mamlakat tavakkalchiligi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

xorijiy mamlakatda cheklovlar, shu jumladan valyuta operatsiyalari bo'yicha cheklovlar kiritilishi natijasida qarz oluvchining o'z majburiyatlarini bajara olmasligi tufayli yuzaga keluvchi o'tkazmalarga oid tavakkalchilik;

xorijiy mamlakat hukumatining shartnomaviy majburiyatlarini bajara olmasligi yoki bajarishdan bosh tortishi natijasida yuzaga keluvchi suveren tavakkalchiligi;

bir mamlakatda yuz bergan noxush hodisalar boshqa mamlakatdagi qarzдорlarning o'z majburiyatlarini bajara olmasligiga olib kelishi natijasida yuzaga keluvchi zanjir ta'siri tavakkalchiligi.

124³. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarish tizimi quyidagilarni o'z ichiga oladi:

mamlakat tavakkalchiligini boshqarish siyosati va tartiblarini;

mamlakat tavakkalchiligi bo'yicha hisobotni taqdim etish tartibini.

2-§. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarish siyosati va tartiblariga qo'yiladigan talablar

124⁴. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarish siyosati kamida quyidagilarni o'z ichiga oladi:

mamlakat tavakkalchiligini boshqarish tizimining tashkiliy tuzilmasi, shu jumladan mamlakat tavakkalchiligini boshqarishga mas'ul tarkibiy bo'linmalarning (bundan buyon matnda tegishli tarkibiy bo'linma deb yuritiladi) (xodimlarning) vazifalari, vakolatlari, majburiyatlari taqsimoti hamda ularning o'zaro ishlash tartibini;

mamlakat tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish, kamaytirish va bu haqida hisobot berishga qo'yiladigan talablarni;

hisobotlar shakllari, ularni taqdim etish tartibi va davriyligini;

mamlakat tavakkalchiligini aniqlash va tahlil qilish mezonlarini;

mamlakat tavakkalchiligi chegaralarini, shu jumladan bankning transchegaraviy operatsiyalari bo'yicha umumiy chegara, shuningdek mamlakatlar va (yoki) mintaqalar bo'yicha individual chegaralarni;

bank tomonidan amalga oshiriladigan transchegaraviy moliyaviy operatsiyalar tavsifini.

124⁵. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarish siyosatini samarali amalga oshirish maqsadida bank boshqaruvi ichki tartiblarni ishlab chiqishi lozim.

Ushbu tartiblar bankning xorijiy mamlakatlar bilan bog'liq faoliyati xususiyati va murakkabligini hisobga olgan holda ishlab chiqilishi hamda Markaziy bank tomonidan belgilangan talablar va qonunchilik hujjatlariga muvofiq bo'lishi lozim.

Ushbu tartiblar quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

mamlakat tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish va kamaytirish tartibini;

bank faoliyatini mamlakat tavakkalchiligi chegaralariga muvofiqligini ta'minlash tartibini;

mamlakat tavakkalchiligini boshqarish jarayoni ishtirokchilari o'rtasida ma'lumot almashish tartibini;

mamlakat tavakkalchiligi bo'yicha hisobotni.

124⁶. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarishda bank:

xorijiy mamlakatdagi vaziyatni (siyosiy, iqtisodiy, ijtimoiy va boshqa) tahlil qilib borishi;

bank faoliyatiga ta'sir ko'rsatishi mumkin bo'lgan xorijiy mamlakatlarning hujjatlari talablarini baholab borishi;

mamlakat tavakkalchiligining bank moliyaviy holatiga ta'sirini baholashi;

tahlil va baholash natijalarini tegishli tartibda rasmiylashtirilishi;

mamlakat tavakkalchiligiga oid hisobotlar bank kuzatuv kengashi va boshqaruviga o'z vaqtida taqdim etilishini ta'minlashi lozim.

124⁷. Mamlakat tavakkalchiligini tahlil qilishda bank xorijiy mamlakat bilan bog'liq quyidagi omillarni inobatga olishi mumkin:

iqtisodiy o'sish sur'atlari;

tashqi qarzi hajmi va tuzilishi;

xalqaro zaxiralar hajmi;

davlat byudjeti balansi;

milliy valyuta kursi dinamikasi;

savdo balansi;

xalqaro moliya bozorlariga kirish imkoniyati;

moliya tizimining taraqqiyot darajasi;

ijtimoiy, huquqiy va siyosiy vaziyat.

124⁸. Mamlakat tavakkalchiligi siyosati va chegaralari kuzatuv kengashi tomonidan tasdiqlanishi hamda barcha tegishli tarkibiy bo'linmalar va xodimlarga yetkazilishi lozim.

Mamlakat tavakkalchiligi siyosati va chegaralari yiliga kamida bir marotaba yoki muayyan mamlakatga nisbatan mamlakat tavakkalchiligining oshishiga oid xatarlar mavjud bo'lganda muntazam ravishda ko'rib chiqilishi kerak.

124⁹. Mamlakat tavakkalchiligi sezilarli darajada oshganda mazkur tavakkalchilikni boshqarishga mas'ul tegishli tarkibiy bo'linma (xodim) bir ish kunidan kechiktirmay kuzatuv kengashi va bank boshqaruvini xabardor qilishi va besh ish kuni ichida tegishli tuzatuvchi choralarni taklif qilishi lozim.

Mamlakat tavakkalchiligining sezilarli darajada o'sishi bankning ichki hujjatlarida belgilanishi lozim.

3-§. Mamlakat tavakkalchiligiga oid hisobotlarga qo'yilgan talablar

124¹⁰. Mamlakat tavakkalchiligini boshqarishda tegishli tarkibiy bo'linma mamlakat tavakkalchiligiga oid hisobotlarni kuzatuv kengashi va tavakkalchiliklarni boshqarish qo'mitasiga (agar tashkil etilgan bo'lsa) har chorakda, bank boshqaruviga har oyda kamida bir marotaba kiritishi lozim.

11²-bob. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarishga qo'yilgan talablar

1-§. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish tizimi

124¹¹. Bankda bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish va kamaytirishga xizmat qiluvchi bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish tizimi joriy qilinishi lozim.

124¹². Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarishning samarali tizimi quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha risk-appetitni;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish siyosati va tartiblarini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini baholash va monitoring qilish vositalarini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha stress-test o'tkazish tartibini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha hisobotlarni.

124¹³. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi kamida quyidagilarni o'z ichiga oladi:

bank aktivlari va majburiyatlari, shu jumladan balansdan tashqari moddalari bo'yicha foiz stavkalari turli davrlarda o'zgarishi natijasida yuzaga keluvchi nomutanosibliklar tavakkalchiligi;

bank aktivlari yoki majburiyatlari, shu jumladan balansdan tashqari moddalari bo'yicha foiz stavkalari bir-biridan farq qiluvchi bozor foiz stavkalariga (indekslarga) asoslangan bo'lsa, mazkur bozor foiz stavkalari (indekslar) o'zgarishi natijasida yuzaga keluvchi bazis tavakkalchiligi;

bankning mijozlarida bank aktivlari yoki majburiyatlari, shu jumladan balansdan tashqari moddalari bo'yicha to'lovlar miqdori yoki muddatlarini o'zgartirish huquqi mavjud bo'lib, ular mazkur huquqdan foydalanishi natijasida yuzaga keluvchi opsiya tavakkalchiligi.

2-§. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish siyosati va tartiblariga qo'yilgan talablar

124¹⁴. Bankda bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish siyosati va boshqa ichki hujjatlarga muvofiq bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi boshqarib boriladi.

124¹⁵. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish siyosati quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish tizimining tashkiliy tuzilmasi, jumladan tavakkalchiliklarni boshqarish tizimi ishtirokchilarining vazifalari, vakolatlari, majburiyatlari taqsimoti va o'zaro ishlash tartibini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi chegaralarini belgilash tartibini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish, kamaytirish va bu haqida hisobot berishni;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini stress-testdan o'tkazish tartibini;

kuzatuv kengashi va bank boshqaruvi uchun bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha tayyorlanadigan hisobot shakllari, ularni taqdim etish tartibi va davriyligini.

124¹⁶. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish siyosatini samarali amalga oshirish maqsadida bank boshqaruvi tomonidan bankning ichki tartibi ishlab chiqilishi mumkin. Ushbu tartibda bank faoliyatining xususiyati va murakkabligi hisobga olinishi lozim.

Ushbu tartib quyidagilarni o'z ichiga olishi lozim:

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini aniqlash, baholash, monitoring qilish, nazorat qilish, xedjirlash va u bo'yicha hisobot tayyorlash tartibini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini aniqlash uchun zarur vositalar, ko'rsatkichlar, uslublar va metodlarni;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish jarayonining ishtirokchilari o'rtasida axborot almashinuvi tartibini;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha Markaziy bankka taqdim etiladigan hisobotni tayyorlash va uning ishonchligini tekshirish tartibini.

124¹⁷. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini boshqarish maqsadida kamida quyidagi ko'rsatkichlar baholanishi lozim:

bozor foiz stavkalarining o'zgarishi natijasida bank portfelidagi aktivlar va majburiyatlar joriy sof qiymati o'zgarishining bank kapitaliga ta'siri;

bozor foiz stavkalari o'zgarishining bank portfeli bo'yicha bankning sof foizli daromadiga ta'siri.

124¹⁸. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligini stress-testdan o'tkazishda bank bozor foiz stavkalari bilan bog'liq quyidagi ssenariylardan foydalanadi:

barcha foiz stavkalarining oshishi;

barcha foiz stavkalarining pasayishi;

qisqa muddatli foiz stavkalarining pasayishi va uzoq muddatli foiz stavkalarining oshishi;

qisqa muddatli foiz stavkalarining oshishi va uzoq muddatli foiz stavkalarining pasayishi;

qisqa muddatli foiz stavkalarining keskin oshishi;

qisqa muddatli foiz stavkalarining keskin pasayishi.

3-§. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligiga oid hisobotlarga qo'yilgan talablar

124¹⁹. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligiga oid hisobotlarning

shakli, davriyligi va hajmi kuzatuv kengashi yoki bank boshqaruvi tomonidan belgilanadi.

124²⁰. Bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligiga oid hisobotlar quyidagi ma'lumotlarni o'z ichiga olishi lozim:

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi har bir turining hajmi va tavsifini o'z ichiga oluvchi ma'lumotni;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi uchun o'rnatilgan chegaralarning buzilganligi haqidagi ma'lumotni;

bank portfelida yuzaga keluvchi foiz tavakkalchiligi bo'yicha o'tkazilgan stress-test natijalarini.”.

**Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг
норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан
ўтказиш ҳолати тўғрисида
МАЪЛУМОТИ**

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. O'zbekiston Respublikasi iqtisodiyot va moliya vazirining 2025-yil 15-yanvardagi 222-son "Byudjet tashkilotlari va byudjet mablag'lari oluvchilarning xarajatlar smetasi va shtat jadvallarini tuzish, tasdiqlash va ro'yxatdan o'tkazish tartibi to'g'risidagi nizomning 66-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 20-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 2634-7.

2. O'zbekiston Respublikasi oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirining 2025-yil 14-yanvardagi 11-son "Oliy ta'lim muassasasi professor-o'qituvchilar tarkibining o'quv yuklamasi hamda o'quv-uslubiy, ilmiy-tadqiqot va "ustoz-shogird" ishlarini belgilash qoidalarining 7-bandiga o'zgartirish kiritish haqida"gi buyrug'i.

2025-yil 20-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3076-2.

3. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2024 йил 25 декабрдаги 16-сон "Суғурталовчилар рейтинги-ни аниқлаш ва юритиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 20 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3601.

4. Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазирининг 2024 йил 25 декабрдаги 729-сон "Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти томонидан пуллик хизматларни кўрсатиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги буйруғи.

2025 йил 21 январда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3602.

5. O'zbekiston Respublikasi Markaziy banki boshqaruvining 2024-yil 5-dekabrda 37/6-son "Banklar va banklar guruhlarining tavakkalchiliklarni boshqarish tizimiga doir talablar to'g'risidagi nizomga o'zgartirish va qo'shimchalar kiritish haqida"gi qarori.

2025-yil 21-yanvarda ro'yxatdan o'tkazildi, ro'yxat raqami 3427-1.

